

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАХОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ
СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2015 йй) мавзусидаги
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Бажарди: 5120300-тарих таълим йўналиши
битирувчи 4-курс талабаси

Бобоназарова Нигора Ўраловна _____

Илмий раҳбар: ўқ.Г.Аҳмедова _____



*Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди. №__ сонли баённомаси “ ____ ”
_____ 2017 йил*

Термиз-2017

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Асосий қисм	
I.Боб.Ўзбекистонда мустақиллик даврида туризм соҳасига қаратилётган эътибор	
1.1.Халқаро туризмнинг дунё давлатлари жумладан Ўзбекистонда тутган ўрни.....	9
1.2.Туризм тўғрисидаги қарор, фармонлар ва уларнинг амалга оширилиши	26
1.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш босқичлари.	40
2-БОБ. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳолати ва туристик микониятлари.	
2.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар.....	60
2.2.Туризм соҳасининг 2000-2015 йилларги ривожланиши ва Ўзбекистон иқтисодида тутган ўрни.....	73
Хулоса ва таклифлар	83
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	86

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғи сифатида мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, 2015 йилда «жаҳон ялпи маҳсулотининг 9,8 фоизи, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг 7 фоизи, жами хизматлар экспорти ҳажмининг 30 фоизи, умумий бандлик кўрсаткичининг эса 9,5 фоизи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келган ҳамда дунё бўйича ҳар ўн биринчи янги иш ўрни туризм соҳасида яратилган»¹.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди, жумладан соҳанинг «мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушининг 3,2 фоизга, экспорт салоҳиятидаги ҳиссасининг 1,5 фоизга» етиши таъминланди. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантиришга муҳим аҳамият берилиб, ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида «...туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш...»² белгиланди. Жаҳонда туризм соҳасини ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва улушини янада ошириш мақсадида туризм соҳасини самарали ривожлантиришга асос яратадиган замонавий илмий-тадқиқотларга

¹ UNWTO Tourism Highlights 2016 Edition, p. 3 // <http://www.unwto.org>; Travel & Tourism Economic Impact 2016 World, p. 7 // <http://www.wttc.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инновацион иқтисодиёт шароитида туризм соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларини очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари: Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларини очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Туризм соҳасининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш, туризм соҳасини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш; мамлакатимизда туризм соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосини тадқиқ этиш орқали ҳудудий туризм соҳаси ривожланишининг институционал асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш; инновацион иқтисодиёт шароитида ҳудудий туризм соҳасини самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш услубларини ишлаб чиқиш; инновацион иқтисодиёт шароитида ҳудудий туризмни ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш.

Мавзунинг илмий ва амалий аҳамияти. Мавзунинг илмий аҳамияти Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва босқичлари, туризмни ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, туризм тўғрисидаги қарор, фармонлар ва уларнинг амалга оширилиши ҳамда инновацион иқтисодиёт шароитида ушбу соҳани самарали ривожлантириш бўйича олинган илмий хулосалардан ушбу йўналишга оид методологик-услубий аппаратни, ташкилий-иқтисодий механизмининг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда туризм соҳасини самарали ташкил қилиш, туризм соҳасини ривожлантириш самарали стратегиясини, туризм соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроси мониторингини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризмнинг кўпгина кирралари билан узоқ, хориж давлатларидан И.Г.Коль, А.Геттнер, Р.Бланшаром, А.Мариотти, В.Уницикер, МДХ, давлатларида А.Ю.Александрова, К.Н.Баранский, Ю. А. Веденин, С.Р.Ердавлетов, П.Н.Зачиняев, И.И.Пирожник, Ю.Д.Дмитревский, Н.С.Мироненко, А.Низамиев, Е.А.Окладникова, И.Т.Твердохлебов, Н.С.Фалькович, А.П.Дурович ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган. Айни вақтда, республикамизда ҳам туризмнинг айрим муаммолари бўйича З.М.Акрамов, Э.А.Ахмедов, Ш.А.Азимов, А. Зокиров, Ф.К.Комилова, А.А.Рафиқов, А.Солиев, Т.Тошмуродов, Н.Тухлиев, О.Х.Хамидов, А.Норчаев, С. Рўзиев каби мутахассислар шуғулланган.

Битирув малакавий иш объекти ва предмети. Мазкур ишининг бевосита тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда туристик объектларининг ўзига хос хусусиятлари этиб белгиланган. Унинг предмети эса Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши, ривожлиниши ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади – Ўзбекистон мисолида туристик объектларни ўрганиш ва баҳолаш асосида вилоят туризмни ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг қуйидаги вазифалари белгиланди:

- Ўзбекистонда туризм соҳасининг илмий асосларини аниқлаш;

- Мамлакат туризм бозори ва унинг ўзига ҳос жиҳатларини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишининг асосий босқичларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўрганиш;
- Ўзбекистонда туризм бозори ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолатини аниқлаш;
- Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг имкониятларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари ва истиқболларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш муаммоларини ва келажақда истиқболли йўналишларини белгилаш.

Ўзбекистонда маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантиришда сайёҳликнинг турли йўналишларини жумладан, табиий рекреация, тарихий, диний ва маданий-этнографик турларини ҳудудий аниқлаш ҳамда соҳа олдида турган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш мазкур ишнинг асосий ҳимоя жиҳатларини белгилайди.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу тармоқни юксалтириш бўйича ишлаб чиққан кўрсатма ва қарорларига таянади.

Битирув малакавий иш «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва унинг ҳудудий бўлимлари, илмий ва картографик манбалар асосида тайёрланди.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги. Бажарилган тадқиқот ишининг илмий янгилиги республикада илк бор Ўзбекистонда туризм

соҳасини тарихий, иқтисодий нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан тавсифланади.

Шунингдек, ишда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топган:

- Туризмнинг назарий-услубий ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, унинг Ўзбекистонда ўзига хос хусусиятлари ўрганилган;
- Ўзбекистонда мавжуд туристик инфратузилма ва имкониятлари, табиий, тарихий, диний ва рекреация хусусиятлари бўйича баҳоланган ва туризмнинг янги ўзига хос турларини ривожлантириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган;
- Ўзбекистонда туризмнинг тармоқлари таркибини кенгайтириш, унинг тузилмасини такомиллаштириш ҳамда сайёҳлик инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий муаммолари ва истиқболдаги устувор йуналишлари белгиланган;

БМИнинг тузилиши: Кириш, 2 боб, 4 та режа, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Адабиётлар таҳлили: Мавзунини илмий тадқиқ этилишида қуйидаги илмий асарлардан унумли фойдаланилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиши (2000-2015 йй) мавзусидаги битирув малакавий ишга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (-Т.: "Ўзбекистон", 2003.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. (– Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.), «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». (-Т.: Ўзбекистон, 2005 й. - 92 б.) асарларидан унумли фойдаланилди.

Бундан ташқари Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. (Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010, - 320 б.), Каримов И., Ахмадхўжаев Р. Туризмда коммуникация. (- Т.: ТДИУ, 2007, - 180 б.) дарсликларидан ҳам кенг илмий таҳлил қилиниб битирув малакавий ишига керакли маълумотлардан фойдаланилди.

I.Боб.Ўзбекистонда мустақиллик даврида туризм соҳасида қаратилётган эътибор

1.1.Халқаро туризмнинг дунё давлатлари жумладан Ўзбекистонда тутган ўрни

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сингари туризм ривожланишини тадқиқ этишда энг аввало унга назарий жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Зеро, гарчи туризм узоқ тарихга эга бўлса-да, унга берилган таърифлар хилма хил ва туризмнинг моҳиятини очиб берувчи ягона таъриф ҳанузгача мавжуд эмас. А.П. Дурович таъкидлаганидек, “Туризм тушунчасининг турли таърифлари мавжуд ва бу таърифлар унинг турли жиҳатларини тавсифлаб беради. Туризм тушунчасига ягона таърифнинг мавжуд эмаслиги туризмни фан сифатида ўрганишнигина қийинлаштириб қолмасдан, туристик фаолият субъектларининг амалий фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади”³.

Туризм фаолияти – ижтимоий ҳодиса сифатида кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятлидир. Демографик нуқтаи назардан у аҳолининг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб юришини англатса, иқтисодий нуқтаи назардан аҳоли муайян қисмининг кўчиб юриши натижасида иқтисодий эҳтиёжларнинг юзага келиши, уларнинг қондирилиши муаммоларини ҳал этиш ва бошқа кенг қамровли иқтисодий жарёнларнинг юз беришини назарда тутати. Бошқача қилиб айтганда, туризм – бу саёҳат қилиш жараёнида юз берувчи воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсиридан иборат муносабатдир.

Ҳозирги даврда туризм дунёнинг жуда кўп мамлакатларида оммавий тус олган. Одатда, Туризм туристик ташкилотлар орқали туристик маршрутлар бўйича уюштирилади. Туризмнинг жуда кўп турлари ва шакллари мавжуд (ички, халқаро, ҳаваскорлик туризми, уюшган туризм, яқин жойга саёҳат, узоққа саёҳат, билим савиясини кенгайтириш мақсадида

³ Дурович А.П. Организация туризма. – Мн.: ООО «Новое знание». 2002. – стр. 10

туризм тоққа чиқиш, сув туризми, автотуризм, пиёда юриладиган туризм, спорт туризми ва б.).

Ўзбекистонда туризм соҳасига раҳбарликни «Ўзбектуризм» миллий компанияси (1992 й. 27 июлда тузилган) олиб боради. Компаниянинг асосий вазифаси туризм инфраструктурасини ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб қилиб замонавий туристик комплексларни барпо этиш, янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, хизматлар доирасини кенгайтириш ва б.дан иборатуризм «Ўзбектуризм» миллий компанияси саёҳат қилиш турига қараб қўйидаги туристик йўналишларни ишлаб чиққан: классик йўналиш (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент; Тошкент, Самарқанд, Бухоро-Шахрисабз, Тошкент). Бу йўналиш энг қад. ёдгорликлар ва б. тарихий-маданий обидаларга ташриф билан боғлиқ; экологик туризм йўналиши (Чимён, Чорвоқ дам олиш ва даволаниш оромгоҳи, Зомин қўриқхонаси, Бухоро вилоятидаги қўриқхоналар). Бу йўналиш алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва сайёҳлар учун экологик жиҳатдан қулай ҳамда фойдали ҳисобланадиган жойларга ташриф билан боғлиқ; археологик туризм йўналиши (Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Самарқанд ҳудудлари бўйлаб). Бу йўналиш Ўзбекистоннинг энг қадимги топилмалари ва археологик қазилмалар олиб борилаётган жойлари билан танишишни мақсад қилиб қўяди; экстремал туризм йўналиши (Чимён Фарғона водийси, Орол бўйи, Бухоро, Навоий вилояти ҳудудлари бўйлаб); диний туризм йўналиши (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Тошкент) — мамлакатимиздаги тарихий диний обидаларни зиёрат қилиш билан боғлиқ.

Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган (1999 й. 20 авг.). Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 й.гача бўлган даврда

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги фармони (1999 й. 15 апр.) соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Туризм ташкилотларини такомиллаштириш ҳамда кичик ва ўрта туристик корхоналарнинг хизмат кўрсатиш бозорини фаоллаштириш, шунингдек, хорижий сармояни туризм соҳасига жалб қилиш мақсадида 1998 йил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан Тошкентда «Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси» ташкил этилди. У 300 дан зиёд туристик корхоналар билан яқиндан алоқада бўлиб фаолият олиб боради. Ўзбекистонда «Кумушкой» туристик базаси ва «Санзар» кемпинг мажмуаси мавжуд бўлиб, улар «Ўзбектуризм» миллий компанияси тизими ташкилотлари ҳисобланади⁴. Шу билан бирга Чорвоқ, Чимён, Белдерсой дам олиш оромгоҳлари ва юзга яқин хусусий меҳмонхоналар ишлаб турибди. Ўзбекистонда кўплаб туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган меҳмонхоналар сони тобора ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон 1993 йилда ўз сафига 120 дан ортиқ мамлакатни бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилоти (\\ТО; 1975 йил тузилган)га аъзо бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон \\ТО Европа комиссияси раёсатининг ҳам аъзосидир. 2004 йил «Буюк ипак йўли» лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятида Жаҳон туристик ташкилотининг ваколатхонасини очиш кўзда тутилган. Ўзбекистонда туризм соҳасига оид «Буюк ипак йўли» халқаро туристик реклама-ахборот газета (1994 й.дан), «Бизнес Гайд» ЖУР- (рус ва инглиз тилларида) ва бошқа оммавий нашрлар чоп этилади.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси делегацияси БТТ ва ЮНЕСКО томонидан ўтказиладиган барча халқаро учрашувларда фаол иштирок этмоқда. Натижада республикамизнинг рейтинги ошиб, муносиб ҳамкор имижи ҳосил бўлмоқда. Турли мамлакатларда бизнес-семинарларда иштирок этаётган «Ўзбектуризм» Миллий компанияси нафақат Ўзбекистоннинг

⁴ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти Т.8-том.-Б 639

туристик салоҳияти ва имкониятларини очмоқда, балки Ўзбекистоннинг туризм саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун кўп ҳаракат қилмоқда. Масалан АҚШ, Германия, Малайзия, Исроил, Туркия, БАА, Миср, Словакиянинг турфирмалари билан ҳамкорлик ушбу давлатлардан келаётган туристлар сонини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Республиканинг халқаро туризм бозорига чиқишида «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг АҚШ, Германия, Буюк Британия, БАА, Ҳиндистон, Япония ва Россиядаги расмий ваколатхоналарининг ўрни бекиёсдир. Ваколатхоналар Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини реклама қиладилар, турли Халқаро семинарларда иштирок этадилар ва уларда «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг вакили буладилар ва шу орқали мамлакатимизга туристлар келишини қупайишига ёрдам бермоқдалар.

Кембридж шаҳрида Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан утказилган кургазмани алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу кургазма «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг Буюк Британиядаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан ташкиллаштирилган ва журналистлар, олимлар ва Буюк Британияда аккредитация қилинган хорижий элчихоналар хизматчиларида катта кизиқиш уйғотди. 1999 йилнинг октябрида булиб утган БТТ Бош Ассамблеясининг 12-сессиясида Ўзбекистон БТТнинг Ижроия Кенгаши таркибига киритилди. Бу яна бир бор «Ўзбектуризм» Миллий компанияси раҳбариятининг жаҳон бозорига чиқиш стратегиясини амалга ошириш буйича унумдор меҳнат кетаётганларини таъкидлайди Ўзбекистон БТТ Ижроия Кенгашига жаҳон туризмнинг илгорлари Франция ва Италия билан бирга сайланди. Сессия иши мобайнида «Буюк Ипак йули» дастурига алоҳида вақт ажратилиб, махсус мажлис утказилди.

Мажлисида «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг самарали фаолияти алоҳида таъкидланди ва унда «Буюк Ипак йули» журналининг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу журнал Ипак йулида жойлашган 16 давлат

олимлари томонидан тайерланган. Мажлисида ипак йулида жойлашган давлатларнинг маданияти, тарихи ва туризмнинг хозирги ахволини намоиш киладиган куп серияли фильм яратиш хакида карор кабул килинди.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси республика туристик салохиятини намоиш килиш учун катта реклама компаниясини амалга оширмоқда. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси доимий равишда Республика туристик марказлари хакида хикоя килувчи реклама журналлари чоп этмоқда. Бундан ташкари «Ўзбектуризм» Миллий компанияси «Ипак йули» газетасининг учинчи сонини чикарди. Бара рекламалар инглиз ва немис тилларида булиб халқаро ярмарка ва кургазмаларда таркатилади.

Илмий асосланган туризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқиш мақсадида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси БМТ ва БТТ билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожланиши» харакат дастурини ишлаб чикди.

Ушбу босқичда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва БМТ уртасида ишлаб чиқилган дастурни амалга ошириш буйича янги халқаро экспертлар гурухи ташкил килиш хакида музокаралар олиб борилмоқда. 1995 йилдан бошлаб «Ўзбектуризм» Миллий компанияси узларининг мутахассисларини малака ошириш учун Ҳиндистон, Миср ва Исроилга юбормоқда. Рейтингни ошириш ва кулай малакат имижини хосил килиш учун «Ўзбектуризм» Миллий компанияси сохага хорижий инвестицияларни жалб килиш буйича ишлар олиб бормоқчи. Туристлар окимини купайтириш учун Англия, Германия, Италия, Испания, Голландияда ўтказилаётган халқаро семинар ва ярмаркаларда иштирок этишда давом этиш керак. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошка давлатларга ташрифи чоғида имзоланиши керак бўлган ҳукуматлараро келишувларни ишлаб чикади ва тайёрлайди. Кейинчалик миллий туристик фирмаларга хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорлик килишга купрок имконият бериш керак. Жаҳонда машҳур йирик компанияларнинг ваколатхона ва

филиалларини очиш керак. Шунингдек узбек фирмалари асосида кушма корхоналар тузиш керак. Хорижий туристлар сонини купайтириш учун «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ваколатхоналар тизимини кенгайтириш керак. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг «Буюк Ипак йули» туристик маҳсулоти билан ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиб Ипак йули давлатлари бўйлаб ҳамкорликдаги туристик йўналишлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлган бўларди. Республика туристик шаҳарлари орқали транзит халқаро йўналишлар ташкил қилиш керак. Ҳозирги кунда саёхатларнинг хавфсизлиги биринчи уринга чиқар экан сугурта хизматларига талаб пайдо бўлмоқда. Шу мақсадда хорижлик ҳамкорлар билан бирга миллий туризмни ривожлантириш, туристларни сугурта қилишнинг хорижий тизимларини ёйиш, туристлар соғлигини сақлаш ва туристларга хизмат кўрсатувчи масканлар учун санитария нормалари белгиланиши бўйича профилактика чоралари қурилиши керак. Туристлар сонини ошириш учун виза бериш жараёнини қайта кўриб чиқилса яхши буларди.

Ўзбекистонда асосий шаҳарлар - Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғонада эркин иқтисодий туризм ҳудудлари ташкил қилиш жуда истиқболли буларди. Хорижлик туристлар бу шаҳарларда таклифсиз, бож туловисиз бир ҳафта мобайнида бу шаҳарларда бўлиш имкониятига эга буларди. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг халқаро туризмдаги ютуқларидан бири Тошкент туризм ярмаркасидир. Маълумки 1995 йилнинг сентябридан бошлаб ҳар йили «Ипак йули бўйлаб туризм» Тошкент туризм ярмаркаси утказилади. Бу ярмаркада куплаб машҳур туристик фирмалар иштирок этмоқдалар. 1998 йилда бу ярмарка туртинчи бор утказилди. Унда 200га яқин туристик фирма ва компаниялар иштирок этишди. 1999 йилда ярмаркада жаҳоннинг 35 мамлакати, шу жумладан халқаро туризмда илгор бўлган Франция, Италия, Греция, Кипр, Испания, Буюк Британия, Германия, АКШ, Миср, Туркия, Япония, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия, Хитой фирмалари иштирок этдилар ва бу Тошкент ярмаркаси халқаро туристик

форумлар орасида муносиб жой эгаллаганидан далолат беради.

Барча ваколатхоналарга реклама-ахборот материаллари таркатилди. Туркия ва Исроилда ваколатхоналар очишга тайёрланилмоқда. Бу халқаро туризмни янада ривожлантириш ва ушбу давлатлардан келадиган туристлар сонини купайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаи Ўзбекистон Президентини мана шундай қарсақлар билан, очиқ юз билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олганингиз учун сизларга катта раҳмат айтмоқчиман. Бунга жавобан мен ҳам сизларни айнан Самарқандда, Ўзбекистонда кўриб турганимдан чин дилдан хурсанд эканимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Салкам уч минг йиллик ғоят бой тарихга эга бўлган бу азим шаҳар ўзининг улуғвор меъморий ёдгорликлари, мовий гумбазлари, бетакрор шарқона қиёфаси ва руҳи билан саёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортиб келади.

Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Яқинда Американинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган “Хаффингтон пост” интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳарлар рўйхатига киритди.

Ўзида энг қадимги даврлар ва бугунги ҳаётни узвий равишда уйғунлаштирган ушбу шаҳарда туғилиб вояга етган инсон сифатида сиз, азиз меҳмонларимизни мана шу меҳмондўст заминда кўриш ва бутун Самарқанд аҳли номидан, шахсан ўз номимдан «Самарқандга хуш келибсиз!» деб айтиш менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг бугунги сессияси мажлисининг асосий кун тартиби ғоят муҳим масалага – «Буюк ипак йўли – халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари» мавзусига бағишланган.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотикни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо қарвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи милоддан аввалги икки мингинчи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўҳна Рим ва Бобилнинг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Шу ўринда биз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаганимизни айтиб ўтиш жоиздир⁵.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, ҳунармандлик ва савдо-сотик кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия,

⁵ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти Т.8-том.-Б 640

геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса – Буюк ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган. Милоддан олдинги III-II минг йилликлардаёқ вужудга келган коммуникация тармоқлари Месопотамия текисликларидан Ҳинд водийсигача, Ўрта Осиё воҳаларидан Араб денгизигача чўзилган бепоён Ўрта Шарқ минтақасидаги бир-биридан жуда узоқдаги маданиятлар ва мамлакатларни боғлаган. Кейинчалик ана шу ҳудудлар Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Савдо-сотик алоқаларининг кенгайиши аҳолининг кўчиб юришига сабаб бўлган. Улар ўзлари билан бирга меъморлик, маданият ёдгорликлари, нумизматика ва хунармандлик маҳсулотларида акс этган ўз урф-одатлари ва дунёқарашини ҳам олиб келган.

Ўша замонларда энг юқори даромад келтирадиган ва сотиш мақсадида узоқ масофаларга ташиш учун энг қулай товар ипак бўлган. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли орқали яна кўплаб бошқа товар ва буюмлар, жумладан, чинни, ойна, шиша, гилам, металл, қурол-яроғ, турли тақинчоқлар, чой, зираворлар, шунингдек, машҳур хитой қоғози ташилган.

Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Айнан маърифий туризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва менинг назаримда, бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим кадриятларидан бирига айланмоқда.

Буларнинг барчаси турли даврларда Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган машҳур саёхатчи ва тадқиқотчиларнинг кундаликларида ўз ифодасини топган. Бу инсонлар турли миллат вакиллари бўлганлар, хусусан, хитойлик Чжан Цянь, италиялик Марко Поло, испаниялик Клавихо, арабистонлик Ибн Фадлан ва Ибн Баттута, америкалик Пампелли, англиялик Женкинсон, германиялик Шильтбергер, франциялик Мартен ва Бонвало, венгриялик Вамбери, швециялик Хедин ва швейцариялик Майяр шулар жумласидандир. Уларнинг орасида турли касб эгалари – зиёратчилар, миссионерлар, савдогарлар, олимлар, дипломатлар, тадқиқотчи ва адиблар бўлган. Уларнинг ҳар бири халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихига салмоқли ҳисса қўшган ва бунинг учун биз улардан бениҳоя миннатдормиз.

Самарқанд шаҳридаги деворий расмларда Ўрта Осиёга дунёнинг турли ўлкаларидан келган элчилар, савдогар ва саёхатчиларнинг ташрифи ўз аксини топган. Бу ноёб тарихий асарда бундан 2,5 минг йилдан зиёд аввалги даврда Афросиёб ҳукмдорининг саройида Хитой, Корея, Жанубий ва Шимолий Осиё ва бошқа давлатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари тасвирланган.

Шунинг учун ҳам 20 йил аввал Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатларнинг Самарқанд декларацияси айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилингани бежиз эмас. Ушбу ҳужжатда 2-2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқалар билан боғлаган мана шу қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи баён қилинган эди.

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 2004 йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ипак йўлидаги минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган ва ҳар томонлама тўғри қарор, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривожини йўлида турли муаммолар туғдириб, унинг олдига янги-янги талаблар қўяётганини, табиийки, биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омиллар, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Халқаро терроризм ва экстремизм, тобора авж олиб бораётган радикализм, маҳаллий урушлар ва бир жойдан иккинчи жойга боришда хатарлар пайдо бўлаётгани туризмни ривожлантириш борасидаги ҳар қандай саъй-ҳаракатни йўққа чиқарадиган тўсиққа айланганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ ва биз буни аниқ мисолларда кўряпмиз.

Ана шу сабаблар оқибатида кечагина туризм гуркираб ривожланган мамлакатларда бугун сайёҳлар оқими кескин камайгани ёки бутунлай тўхтаб қолгани ҳақида мисоллар келтиришнинг зарурати бўлмаса керак – ҳамиша, таъбир жоиз бўлса, сайёҳлар оқимининг чорраҳаси бўлиб келган айрим Яқин Шарқ мамлакатлари мисолида буни кўриб турибмиз.

Ўзингиз қаранг, Сурия ва Ироқда, дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган, бизнинг аجدодларимиз, масалан, Муҳаммад Хоразмий фаолият кўрсатган, “Байтул ҳикма”, яъни “Ҳикматлар уйи” деб ном олган жаҳондаги биринчи академия ташкил этилган Бағдодда бугунги кунда туризм борми?

Ҳозирги вақтда Бағдод қандай аҳволда, Дамашқ ва бу минтақадаги бошқа шаҳарлар қандай аҳволда? Бундай ҳолатнинг сабаби эса фақат битта: аввалги ёдгорликлар, музейлар сақланиб қолган, аммо сайёҳлар учун қафолат йўқ, хавфсизлик йўқ. Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда эса ҳеч қандай сайёҳлик бўлиши мумкин эмас. Бу ёдгорликларни кўриш учун ким жонини

хавф-хатарга кўяди? Агар ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугунги кунда тинчлик-осойишталик ва турли халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш қандай ҳал қилувчи омил эканини барчамиз яхши биламиз.

Иккинчи муаммо, туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошиб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Бу ҳақиқатни жаҳонда туризмга талабнинг асосий ўсиш кўрсаткичлари ривожланаётган давлатлар, биринчи навбатда, Осиё мамлакатларининг жадал суръатлар билан юксалиб бораётган иқтисодиётида шаклланаётгани ҳам тасдиқлайди. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, унинг кўрсаткичлари туризмда бамисоли кўзгудагидек ўз аксини топмоқда.

Учинчидан, бугунги кунда халқаро туризм ўрта синф учун дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиб бормоқда. Шундай бир қонуниятни кўриш, кузатиш қийин эмас – қайси мамлакатда ўрта синф қатлами қанча кўп ва кенг бўлса, унинг сайёҳлик салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Бу борада ўрта синфга мансуб одамларнинг жуда ҳаракатчан ва тадбиркор бўлиши, уларнинг янгиликларни излаб яшашга, ўз қобилияти ва имкониятларини амалга оширишга интилиши муҳим ўрин тутди.

Тўртинчидан, сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, замонавий ахборот технологияларининг жорий этилгани – биз ҳар қадамда дуч келадиган масалаларнинг ҳаммаси бу борада катта аҳамиятга эга.

Бешинчидан, мазкур соҳада кўп нарса туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар даражасига боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағларини ва мазкур соҳага маблағ сарфлаши учун хусусий капитал ва бизнесга давлат томонидан зарур имтиёз, преференция ва рағбатлантирадиган омиллар яратилишини, инфратузилма, меҳмонхона

хўжалиги, транспортни ривожлантириш, замонавий алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлашни ўз ичига олади.

Сайёҳлик комплексларини барпо этиш, тарихий объектлар, турли давр ва маданиятларга оид архитектура ва санъат ёдгорликларини ўрганиш ва асраб-авайлаш, сайёҳлик логистикасини ривожлантириш биринчи навбатда айна шу йўналишдаги ишларга боғлиқ.

Олтинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Бугун сизлар бизнинг бир нечта коллеж ва лицейларимиз, хусусан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей билан танишдингиз. Жумладан, жаноб Рифаи ҳам бу таълим масканида бўлди. Мен хурсандманки, бизнинг ёшларимиз, фарзандларимиз азиз меҳмонларимизни муносиб кутиб олиб, ўзларининг билими ва қобилиятлари, замонавий касб-ҳунарларни, хорижий тилларни қандай пухта ўзлаштираётгани билан сизларда катта таассурот уйғотди.

Еттинчидан, виза масаласини ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмиятчиликларни соддалаштириш, хусусан, сайёҳлик фирмалари фаолияти учун зарур молиявий кафолатлар бериш ҳозирги босқичда халқаро туризмни жадал ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Бундай кафолатларнинг йўқлиги кўплаб сайёҳлик операторларининг обрўсига путур етказаётгани, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг жозибадорлиги йўлида жиддий ғов бўлаётганини биз баъзи мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сайёҳлар бошқа омиллар каторида ўзлари истаган мамлакатга бориш учун тартиб-қоидаларнинг оддий ва қулай бўлишига, бу борадаги барча зарур расмийлаштирув ишларини тез ва арзон нархда амалга ошириш имкониятига ҳам эътибор қаратмоқда.

Бу йўналишда электрон технологияларни жорий этиш, виза олиш муддатининг имкон қадар қисқа бўлиши, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш, интернет орқали «онлайн» режимида сайёҳлик йўналишлари ва меҳмонхоналарни олдиндан банд қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сайёҳлар оқими ва умуман, ҳар бир сайёҳнинг кайфиятини белгилайдиган ана шундай энг муҳим шарт ва кафолатлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Аминманки, бу борада, яъни, туризм соҳаси ва сайёҳлик бизнесида майда нарсанинг ўзи бўлмайди.

Сайёҳнинг кайфияти туристларни қабул қиладиган ҳар қандай мамлакатнинг, айтиш мумкинки, асосий бренди, яъни, товар белгиси бўлиши керак. Агар одамлар бизнинг диёримизга яхши кайфият билан келиб, шундай кайфият билан кетадиган бўлса, Ўзбекистонда туризм соҳаси мустақкам асосга кўйилган, деб айтишга ҳақлимиз. Бордию кимдир ёмон кайфият билан кетадиган бўлса, демак, биз унинг олдида қарздормиз. Демак, кейинги сафар айни шу сайёҳни ўзимизнинг ҳисобимиздан юртимизга таклиф қилишимиз керак.

Биз ўтган давр мобайнида бажарилган ишларимизни баҳолаётган эканмиз, Ўзбекистонда туризм соҳасини халқаро замонавий норма ва стандартлар даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши англаймиз.

Мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоизга ўсди, жорий йилнинг

биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрди⁶.

2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси – туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини камраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир⁷.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпаниямиз замонавий «Эйрбас» ва «Боинг» авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйлаб Испаниянинг «Талго» компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездларининг ҳар кунги қатнови йўлга қўйилган. Ўйлайманки, сизлар буни реклама деб қабул қилмайсиз, лекин ўз

⁶ kun.uz

⁷

тажрибамиздан келиб чиқиб, барча мамлакатларга, жумладан, бизга қўшни бўлган давлатларга ана шу компаниянинг поездларини сотиб олишни тавсия этган бўлардим. Нега деганда, улар ҳам арзон, ҳам ишончли, энг муҳими, “Талго” фирмаси ўзининг яхши ҳамкор эканини амалда намоён этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» поезди қатнай бошлаганидан буён юртимизда чет эллик сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди. Бухоро ва Қарши шаҳарларигача юқори тезликда ҳаракатланиш учун мўлжалланган темир йўл тармоқларини электрлаштириш ва қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса туризм ривожини учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўл бўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида халқаро туризмнинг асосий тузилмасини ривожлантириш учун жами инвестицияларнинг 580 миллион доллардан ортиғи йўналтирилди ва бу борадаги ўсиш ўтган йилга нисбатан 19 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Биз Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улуғвор ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айни пайтда уларни Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва таровати билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган

гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин ва зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор.

Мамлакатимизда юксак сифати ва эстетик жозибаси, қадимги санъат анъаналарини ўзида сақлаб келаётгани билан ажралиб турадиган миллий ҳунармандликни қайта тиклаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда миллий ҳунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилганини алоҳида қайд этишни истардим. Ҳунарманд усталаримизнинг неча асрлик тажрибасидан юртимиздан ташқарида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Кулолларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ўрганмоқда.

Ўзбекистон Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган йирик сайёҳлик кўрғазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Йигирманчи бор ўтказиладиган ва сайёҳлик бизнеси соҳасида мулоқот қилиш учун кенг имконият яратадиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан 12 мингдан ортиқ киши келиши кутилмоқда.

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан самарали ҳамкорлигимизни юксак кадрлаймиз ва ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, кўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга ишонамиз.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, интернет орқали унинг жозибадорлигини ошириш, бунда

Фарғона водийсининг ҳали ўрганилмаган сўлим ва гўзал гўшалари, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тоғ ёнбағридаги экологик тоза масканларидан фойдаланган ҳолда, «Буюк ипак йўли» брендини кенг жорий этиш ҳақида бормоқда

Биз сизларни нафақат Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, балки бошқа шаҳарларимизда ҳам кўриш, ўзбекона самимий меҳмондўстликдан баҳраманд бўлишингиздан ҳамиша мамнунмиз.

1.2. Туризм тўғрисидаги қарор, фармонлар ва уларнинг амалга оширилиши

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 30 июнда қабул қилинган “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ бу борада самарали тизим йўлга қўйилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро туризм факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги коллежларда сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Мунтазам ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари битирувчиларға сайёҳлик фирма ва компаниялари фаолияти билан яқиндан танишиш, иш таклиф этувчиларға юқори малакали кадрларни танлаш имконини бераётир.

Туризмға берилган кўплаб таърифларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар ва мутахассислар қарашларини иккита гуруҳға умумлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳ ушбу атамани тор маънода тавсифлайди ва туризмнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларига ёки унинг

турларининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратади⁸. Бундай таърифлар аниқ вазифаларни ҳал этиш учун восита сифатида хизмат қилади.

Иккинчи гуруҳ туризм атамасига концептуал жиҳатдан ёндашади⁹ ва туризмга хос бўлган барча хусусиятлар ва муносабатларни яхлитликда ифодалаб, ушбу атаманинг ички мазмунини ёритиб беради. Бу таърифлар туризмнинг бошқа унга ўхшаш ва ўзаро боғлиқ ходисалардан фарқли жиҳатларини кўрсатиб беради.

Мамлакатимизда туризм, хусусан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, жумладан Президентимизнинг йил якунларига бағишланган маърузаларида ҳам бу соҳа ривожига эътибор бериб, “Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”¹⁰ деб таъкидлаганлар.

Мустақиллик йилларида даставвал туризм ривожланишининг институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 27 июлдаги 447-сонли Фармонида мувофиқ “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ташкил этилди. Шунингдек, 1993 йилда Ўзбекистон Бутунжаҳон Туристик Ташкилотининг аъзосига айланди.

⁸ Рекомендации по статистике туризма. Статистические документы. /ООН, ВТО (пер. с англ.) Нью Йорк, 1994; Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма. – М.: Издательство РДЛ, 2005; Александров А.Ю. Международный туризм. – М.: Паспект Пресс, 2001; Леонард Л. Управление туризмом. М.: 1995; Папирян Г.А. Международные экономические отношения: Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 1999; Биржаков М.Б. Введение в туризм. – СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 1999; Ефремова М.В. Основы технологии туристского бизнеса. – М.; Издательство «Ось-89», 1999; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2000 ва бошқалар

⁹ Азар В., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка: Институт Международного туризма. – М.: ИПК госслужбы, 1998.; Дурович А.П. Организация туризма. – Мн.: ООО «Новое знание». 2002. – стр. 10; Квартальнов В.А. Иностраный туризм. – М.: Финансы и статистика, 2001; Пузакова Е.П. Международный туристический бизнес. – М.: «Издательство ПРИОР», 2001 ва бошқалар

¹⁰ Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 21 январь 2012 йил 21 январ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Солиқ Кодекслари, 1999 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июндаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги, 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги” Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 210-сонли “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тўғрисида”ги, 1998 йил 8 августдаги 346-сонли “Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2002 йил 2 сентябрдаги 310-сонли “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2003 йил 17 январдаги 33-сонли ушбу қарорни қисман ўзгартириш тўғрисидаги, 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сонли “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ташкил этади.

Республикамизда туризмни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий ўринни эгаллайди. Унинг 53-моддасида шундай таъкидланади: «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини

кафолатлайди».¹¹ Мазкур меъёр барча хўжалик юритиш субъектлари, шу жумладан, туризм субъектларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси моддаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг катта қисми иқтисодий муносабатларни тартибга солишни камраб олади ва тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, туризм соҳасидаги тадбиркорлик ривожланишини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги” қонуни туризм фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрларни ўз ичига олади. Унда туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар ўз аксини топган.

“Туризм тўғрисидаги” қонуннинг 3-моддасида туризм фаолияти билан боғлиқ асосий тушунчалар – туризм, турист, туристик фаолият, экскурсия фаолияти, туристик ресурслар, туристик фаолият субъектлари, туристик индустрия, тур, туристик хизматлар, туристик гуруҳ раҳбари, туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия, сертификат каби тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Туризмга оид тушунчаларнинг бундай аниқ тавсифланиши кўплаб қонунчилик меъёрларини тадбиқ этишни сезиларли даражада енгиллаштиради. Масалан, туристик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ёки имтиёзли солиққа тортиш бўйича қонунчилик меъёрларини амалиётга жорий этишдаги чалкашликларга барҳам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг 4-моддасида туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, у бозор муносабатларига ўтишнинг “ўзбек модели” тамойиллари билан уйғунлашиб кетган.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. - 1992. – 11 б.

Ушбу қонуннинг 8,9 ва 10-моддаларида туристик фаолиятни лицензиялаш, молиялаш манбалари ва туристик хизматларни сертификациялаш тартиби белгилаб берилган. Унга кўра туристик фаолият туристик субъектларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул бадаллари, заём маблағлари, чет эл инвестициялари ва қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг 14 ва 15 моддалари алоҳида эътиборга молик бўлиб, уларда туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатиб берилган. Қонунга мувофиқ турист шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуидан тўлиқ фойдаланиш, саёҳатга тааллуқли тўлиқ ва ишончли ахборотларни олиш ҳуқуқига эга. Агар шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда турист моддий зарарнинг тўланиши, шунингдек, маънавий зарарнинг ўрнини қопланишини талаб қилишга ҳақли ҳисобланади. Айтиш керакки, турист шартнома шартларига, божхона ва чегара назорати қоидаларига, борилган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши лозим.

Туризм ривожланишининг муҳим омилларидан бири нафақат турист, балки туристик фаолият субъектлари томонидан шартномада кўрсатилган шартларнинг тўлиқ бажарилиши ҳисобланади. Шу муносабат билан “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг 16 ва 17-моддалари туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига бағишланган.

Бундан ташқари қонунчиликда туристларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, туристлар соғлигини ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси “Туристларнинг хавфсизлиги кафолати” деб аталиб, унда туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланиши таъкидланган ва бунинг учун туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи, манфаатдор вазирликлар ва

идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, туристик фаолият субъектлари масъул ҳисобланадилар. Улар туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини, туристлар касалланганда, жароҳатланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқадиладар ва унинг бажарилишини ташкил этадилар.

Қонуннинг “Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари” деб номланган 19-моддасида туристик фаолият субъектлари томонидан туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуи кўрсатиб берилган. “Туристларни суғурта қилиш” номли 20-моддасида туристларни суғурта қилиш мажбурий эканлиги эътироф этилган.

Туризм соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, солиқ соҳасида туристик фаолият билан шуғулланаётган корхона ва фирмалар учун бир қатор имтиёзлар тақдим этилган бўлиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга фирма ва корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлар киради. Чунончи, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туризм соҳасида ташкил этилган қўшма корхоналар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ 5 йил муддатга олиб чиқиб кетилаётган фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлини қайта тиклашга иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра тижорат банкларида тадбиркор томонидан хусусий меҳмонхоналар ва меҳмонхона инфратузилмаси объектлари қурилган тақдирда уларга қарз узиш муддати камида 5 йил муддатга тенг бўлган кредитлар тақдим этилиши тавсия қилинган.

“2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги”ги бошқа бир фармонга мувофиқ эса туризм учун мўлжалланган ускуналарни божхонадан ўтказишга махсус имтиёзлар киритилган. Хозирги кунда 2015 йилгача бўлган даврда ҳам туризмни ривожлантириш дастури қабул қилинмоқда.

Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туризм фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар тузилган пайтдан бошлаб биринчи даромад орттиргунга қадар, лекин узоғи билан рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилгача даромад (фойда) ва ер солиғидан озод қилинадилар. Улар фойда олинган биринчи йилда эллик фоиз, иккинчи йилда етмиш беш фоиз, учинчи йилдан бошлаб эса юз фоиз миқдорда солиқ тўлайдилар.

Туристтик фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳам имтиёзлар жорий этилган бўлиб, Солиқ кодексининг 71-моддасига кўра туризмнинг қуйидаги шакллари мазкур солиқ турини тўлашдан озод этиладилар: тиббий, санаторий-курорт, соғломлаштириш ва туристик экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатадиган хизматлари, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари.

Имтиёзлар тўғрисида фикр юритар эканмиз, яна шуни таъкидлаш лозимки, янги ташкил этилган туризм фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг мол-мулкига ташкил этилган вақтдан эътиборан дастлабки фойда олингунга қадар, лекин улар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга солиқ солинмайди.

Иккинчи гуруҳ имтиёзларга фаолият соҳасидан қатъий назар тақдим этиладиган умумий имтиёзларни киритиш мумкин. Бу ерда туризм билан шуғулланаётган фирмалар кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун мўлжалланган бошқа имтиёзларга ҳам эга бўлишлари мумкин. Масалан, кейинги қонунчилик

инвестициялаш шароитларининг ёмонлашувига олиб келса, хорижий инвесторларга нисбатан 10 йил давомида амалдаги қонунчилик шартлари қўлланилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 5 фоиздан 10 фоизгачасини экспорт маҳсулотлари ташкил этса, фойдадан олинadиган солиқ ставкаси 20 фоизга, 10 фоиздан 20 фоизгачасини ташкил этса, 30 фоизга, 20 фоиздан 30 фоизгача – 40 фоизга, 30 фоиз ва ундан юқори фоизни ташкил этса, 50 фоизга камайтирилади. Яна бир имтиёз шундан иборатки, корхона томонидан олинган эркин алмашинадиган валютадаги тушум товарлар (хизматлар, ишлар) экспорт ҳажмининг ўсиши ҳисобига шаклланган бўлса, у фойдадан олинadиган солиқдан озод қилинади.

Устав жамғармасида хорижий капитал улуши 30 фоизни ташкил қилган қўшма корхоналар, шунингдек, хорижий корхоналар, уларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва шўъба корхоналари фойдасига 25 фоизлик фойда солиғи қўлланилади.

Агар туристик фаолият билан шуғулланаётган фирма ўзи ишлаб чиқарган товарни экспорт қилса, у ҳолда мазкур фирмадан акциз солиғи олинмайди, агар экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредитини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Қўшма корхона шаклидаги туристик фирманинг устав жамғармаси 500 минг доллардан юқори бўлса, мулк солиғини тўлашдан озод этилади. Бундан ташқари қўшма корхона шаклидаги туристик фирма ходимларининг шахсий мол-мулклари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан бож тўлови ундирилмайди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари яна шуни кўрсатадики, унинг айрим жиҳатларини янада

такомиллаштириш ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим.

“Туризм тўғрисида”га қонунда туристик фаолиятни амалга оширувчи субъектлар турлари келтирилмаган. Ваҳоланки, туризмга оид хорижий мамлакатлар қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатларда турфирма, туроператор, турагент каби тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Масалан, Россия Федерациясининг “Туристик фаолият асослари тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида¹² ёки Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти ҳужжатларида ушбу атамаларнинг таърифлари келтирилган. Ушбу бўшлиқнинг тўлдирилиши туризм фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини мукамалроқ бўлишини таъминлаш билан бирга туризм қонунчилигининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқаро стандартларга яқинлашувига олиб келади.

Яна бир жиҳат эътиборга молик бўлиб, бизнинг фикримизча, туристик фаолият субъектлари жумласига яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни ҳам киритиш лозим. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кўплаб мамлакатларда яқка тартибдаги тадбиркор фуқаролар туризм фаолияти билан муваффақиятли шуғулланмоқдалар ва уларнинг мазкур турдаги фаолият билан шуғулланишлари учун қонуний асос мавжуд.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда туризм фаолияти ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари қуйидаги жиҳатларни алоҳида ажратиб кўрсатишни тақозо этади:

Биринчидан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризм ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Солиқ Кодекслари, 1999 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹² «Федеральный закон Российской Федерации об основах туристской деятельности в Российской Федерации» от 24 ноября 1996 года.

мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва ушбу соҳани ислоҳ қилишга оид Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ўз ичига олади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирларни кўзда тутиб, уни ривожлантиришга қаратилган асосий қонуний қафолатлар ва қоидалар қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш, туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш, болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш, туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш, туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда турист моддий зарар тўланиши ва маънавий зарарнинг ўрни қопланишини, айти вақтда туристик фаолият субъектлари туристлар томонидан етказилган зарарнинг ўрни қопланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга;

- туристларни суғурта қилиш мажбурий бўлиб, у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли ташкилотлар билан тузиладиган битимлар асосида амалага оширилади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида туристик фаолият билан шуғулланаётган корхона ва фирмалар учун бир қатор имтиёзлар тақдим этилган бўлиб, унда солиқ соҳасидаги имтиёзлар алоҳида ўринга эга. Бу имтиёзларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси - фирма ва корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлар, иккинчиси - фаолият соҳасидан қатъий назар тақдим этиладиган умумий имтиёзлар.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, унинг айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим. Бизнинг фикримизча, туризм ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари қуйидаги йўналишда такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ:

- “туристик фаолияти субъектлари”га “туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибдаги лицензияга эга бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари” сифатида таъриф бериш мақсадга мувофиқ;

- “Туризм тўғрисида”га қонунга турфирма, туроператор, турагент каби тушунчаларнинг таърифларини киритиш лозим. Бу туризм фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини мукамалроқ бўлишини таъминлаш билан бирга туризм қонунчилигининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқаро стандартларга яқинлашувига олиб келади;

- туристик фаолият субъектлари жумласига яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни ҳам киритиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, сайёҳлик фирмалари, меҳмонхоналар раҳбарлари, туристик объектлар масъул ходимлари иштирок этган тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон

Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Шаропов ва бошқалар мазкур фармон туризм индустрияси ривожда янги босқични бошлаб бергани, унда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, мамлакатимиз сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича улкан вазифалар белгиланганини таъкидлади.

Туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш, соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, ҳудудларда туризм маҳсулотлари яратиш ва уларни жаҳон бозорида тарғиб қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар кўриб чиқилди. «2017-2021 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш концепциясининг дастлабки режаси», «Ўзбекистон Республикасида туризм имкониятлари: ҳолати, таклиф ва тавсиялар, амалиётга татбиқ этиш механизмлари», «Туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестиция» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Халқаро тажриба ва Ўзбекистон амалиётининг муваффақиятли жиҳатларидан кенг фойдаланиш, мамлакатимизда оммалашган маданий-тарихий туризм билан биргаликда сайёҳликнинг бошқа салоҳиятли турларини ҳам изчил ривожлантириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш ва уларни паспортлаштириш, ички ва ташқи туризм бўйича миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш учун кадрлар малакасини ҳамда хизматлар маданиятини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлик фирмалари ва меҳмонхоналар раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

2016 йилнинг 2 декабрь кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонни имзолади.

Хорижий туристлар учун мамлакат жозибадорлигини ошириш мақсадида давлатнинг виза сиёсатини тубдан либераллаштиришни назарда тутувчи мазкур фармондаги тартиб-қоидалар Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ижобий қиёфасини юқори даражага кўтариш, мамлакатга туристлар оқимини талай даражада кўпайтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги ишбилармонлик фаолиятини кучайтириш имконини беради.

Аэропортлар, вокзаллар ҳамда давлат чегараси орқали бошқа ўтиш пунктларида хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини тубдан ошириш хорижий туристларнинг мамлакатга келишларида қулай шарт-шароитлар яратилишининг муҳим омили ҳисобланади. Фармонда шу мақсадларда қуйидагилар назарда тутилади: 2017 йилнинг 1 апрелигача Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларининг халқаро аэропортларида хорижий туристлар учун "яшил йўлак" божхона назорати тизимини, паспорт ва божхона назоратидан ўтишнинг, багажни олишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини жорий этиш ҳамда транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

- аэропортлар ва вокзалларда резидентлар ва норезидентларнинг паспорт назоратидан алоҳида-алоҳида ўтишларини ташкил қилиш;
- аэропортлар ва темир йўл вокзалларида қулай туризм ахборот маконини, шу жумладан туризм-ахборот пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш асосий транспорт узелларида хизматлар кўрсатиш сифатининг энг илғор жаҳон

стандартларига мос келишини таъминлашга, мамлакат халқаро аэропортлари ва вокзалларининг рейтингини оширишга қаратилган.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини янада рағбатлантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм ташкилотларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш Фармоннинг яна бир муҳим хусусиятидир.

Жумладан:

- туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинади;
- меҳмонхоналар хорижий валютадаги тушумнинг фақат 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;
- хорижий фуқаролар томонидан меҳмонхоналар хизматига ҳақ тўлаш эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республиканинг давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳоллар бундан мустасно;
- юридик шахслар камида 4 юлдузли даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганда улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинади;
- туризм фаолияти субъектлари томонидан сиғими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Республика йўл жамғармасига йиғим автотранспорт воситалари қийматининг максимал даражадаги 20 фоизи эмас, балки 3 фоизигача миқдорда ундирилади.

Фармонда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига манфаатдор идоралар билан биргаликда 3 ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш Концепциясини, шунингдек 2017-2021 йилларда

Концепцияни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар Дастурини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси топширилган.

Фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган, давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва Низоми тасдиқланди, шунингдек миллий туризм маҳсулотини хорижга намоиш қилиш, туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш ва туризм хизматларини сертификатлаш бўйича бир қатор идоравий ташкилотлар тузилди.

Мазкур Фармонни амалга ошириш иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга, таркибий ўзгартиришлар ва диверсификация қилишга, барча минтақаларни ва турдош тармоқларни комплекс равишда илдам ривожлантиришнинг етакчи кучи бўлиш имкониятига эга мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек Ўзбекистоннинг жозибадор туризм маркази сифатидаги ижобий қиёфасини шакллантиришга бутун чоралар билан кўмаклашади.

1.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш босқичлари.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1-сентябрда ўзининг мустақилигини қўлга киритиши натижасида мамлакатда иқтисодий ислохотлар жадаллик билан ўтказила бошланди. Шу сингари миллий туризм ҳам шу йиллардан шакллана бошлади. Миллий туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига "Ўзбектуризм" МК бош қош бўла бошлади. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда «Ўзбектуризм» МК давлат бошқаруви, ташқи иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади.

Миллий туризм ривожланиши демак шу йиллардан бошланди десак хато бўлмайди. Миллий туризмни ривожлантириш мақсадида ислохотлар босқичма босқич амалаг оширила бошланди.

Миллий туризм тизимида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи 1992 йилда бошланган дейиш мумкин. Республикада бошланган ушбу ислохот янги иқтисодиётга асосланиб олиб борилди.

Туризм тармоғини иқтисодий ислох қилишнинг иккинчи босқичи 1993-95 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда турмуш ривожланишнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Бу босқич туристик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ўсиши билан бир қаторда бир қанча муаммоларни туғдирди. Бу муаммолар янги туристик маршрутларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг яхшилаш, туризмнинг моддий-техник базасни кенгайтириш, бошқарувнинг ташкилий такомиллаштириш ва ҳ.о.лар билан боғлиқ бўлиб, уларни фақат «Ўзбектуризм» МК доирасида ечиш мумкин эмас.

Туристтик объектлар давлат тармоғидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Номерли фондда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

1993 йил охирига келиб республика туризм тизимида ҳуқуқий ва мустақил балансга эга бўлган 123 ташкилот бор эди.

1995 йилнинг 1 июлида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан бутун мамлакат ҳудудида амал қилувчи ягона туристик виза ўрнатилди (давлат томонидан белгиланган объектлардан ташқари). Туризм ривожнинг иккинчи босқичига қўйилган бошқа бир қадам тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура иншоатлари, яратилган санъат асарларнинг сақлаш ва кўпайтиришга йўналтирилган «мерос» миллий дастурни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши бўлди. Бу даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада халқаро туризм бўйича маҳсус очик иқтисодий зоналар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди. «Ўзбектуризм» МК туроператорлар билан бевосита алоқаларни ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон ҳаво алоқасига эга бўлган мамлакатларда ўз ваколатхоанснни (вакил) очди.

Германияда (Франкфурт), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб Амирликлари (Шардж), Россияда. (Москва)

1995 - 1997 йилларда туризмни ислох қилишнинг учинчи босқичи амалга оширилди. Бунда хизматлар соҳасида фаол хусусийлаштириш бошланди. 1996 йили «Ўзбектуризм» МК тизимидаги барча туристик объектларнинг умумий соннинг 90 % ти давлат тасарруфидан чиқарилди¹³.

1998 йилдан ўзбек туризмни ислох қилишнинг тўртинчи босқичга кадам қўйилди. Бу қайта тикланиш босқичи бўлиб, экспорт салоҳиятнинг ошиши, валюта, турист, хусусий капитал ва инвестициянинг барқарор оқимни таъминлашга олиб келди. Вазирлар Маҳкамаснинг «Туристтик ташкилотлар ташкил этилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан «Ўзбектуризм» МК қайта ташкил қилинди ва Ўзбекистоннинг хусусий туристик ташкилотлари Ассоциацияси яратилди.

1999 йилнинг майдан бошлаб туризм иқтисодиётнинг ислох қилишнинг бешинчи босқичи бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг «Туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатда миллий халқаро туризмнинг мавқени, унинг иқтисодий асосларни қатъий белгилаш учун сиёсий асос яратди. Бу ҳужжат билан туристик ташкилотларга қўшимча божхона имтиёзларни яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг дипломатик вакилларида чет элда туризм бўйича маслаҳатчи лавозимига киритилди. 1999 йилнинг августида Парламент «туризм тўғрисида»ги қонунни абул қилди ва иқтисодиётнинг бу тармоғнинг амал қилиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Шундай қилиб, МК олдида асосий вазифа-Ўзбекистоннинг туристик компаниясни келажакда ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг халқаро туристик тизимга юқори ривожланган индустрия сифатида қўйиши турибди. Бунинг учун, албатта, иқтисодиётнинг бу тармоғидаги ислохотлар стратегияси ва тактикасни доимо такомиллаштириб бориш зарур.

¹³ «Ўзбектуризм» МК ҳисоботларидан.

Республика туризм салоҳияти ихтиёрида бўлган резервлар ҳозирча “жаҳон стандартлари”га жавоб бера оладиган туризм салоҳиятини барпо қилиш учун сарфланадиган зарур маблағлар ва инвестициялар йўқлиги сабабли фойдаланилмай турибди.

Туристлар оқимини жиддий четлаб кўяётган омиллардан яна бири шуки, туристлар Ўзбекистондаги энг машҳур ёдгорликлар ва бутун шаҳар қурилиш ансамблларини томоша қилиш учун келадилар. Аммо бу объектларнинг туристларни қабул қилиш имконияти нихоятда пастдир. Иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм экскурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усулларига қўйиладиган янги талаблар илгари сурилмоқда.

Бутун дунёда қўшма корхоналар тузиш, туристик комплексларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва қуриш, ишлаб турган объектларни янгилаш мақсадларида бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш давлатнинг туризмни ривожлантириш сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Республикада америкалик, туркиялик, покстонлик, германиялик, хиндистонлик, италиялик ва бошқа малакатлардан келган тадбиркорлар тенг ҳуқуқли ҳамкорлар сифатида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тобора кўпроқ ташкил қилинмоқда. Хорижий инвестициялашни имтиёзли йўналишлари қаторига туризмнинг замонавий инфраструктурасни, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфраструктураснинг ташкил қилишлар ҳам киради. Буларсиз ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва халқаро инвестиция фаолиятни кенг ривожлантириш амалда мумкин эмас. Чет эллик инвесторнинг максимал даромад олишига интилиши ҳамда бу лойиҳани келгусида амалга ошириш учун қулай шарт - шароитлар, хорижий капитал иштирок этган ҳар қандай инвестиция жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий туристик модельни шакиллантириш жараёни амалга оширилмоқда. Республикада бозор

иқтисодиёти шаклланаётган шароитда туризм ўзининг миллий даромадни қайта таъқсимлаш хусусияти асосида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида Президентимиз ҳам ўз маърузаларида “Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда”¹⁴ деб ўз фикрларини билдирган.

Бозор иқтисодиётида туристларга асосан хусусий ва тижорат компаниялари хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, агар давлат мақул иқтисодий ва ҳуқуқий атмосфера яратса туризм барқарор ривожланади. Бошқа томондан агар давлат касбий тайёрлаш, табиий ва маданий муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот-реклама ишлари расимятчиликнинг енгиллаштириш муаммолари билан шуғулланмаса фақат бозор стихияси ҳуқумронлик остида туризм ривожланишнинг керакли даражасига ета олмайди. Бунда давлат томонидан мос методологияси методик ва амалий ёндашувларнинг ишлаб чиқариш туристик хизматлар бозорнинг ташкил этилишига аҳамият бериш керак.

Ўзбекистон туризмида хизмат кўрсатишни ривожлантиришда ҳар бир ҳудуд ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туристларга хизмат турларини таклиф этади. Бунда бошқарув ҳам етакчи рол ўйнайди, чунки тўғри бошқарув ривожланишнинг гарови ҳисобланади. Республикамизда туристик ҳудудларни ажратишда нафақат туристик соҳанинг замонавий ҳолати, балки мавжуд административ-ҳудудий булим микёсида уни

¹⁴ Президент Ислон Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 21 январь 2012 йил 21 январь.

ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиш зарур. Бундай бўлиниш миллий туризмни ривожлантиришда ва туристик ресурслардан рационал фойдаланишни тақазо этади. Туризм зоналарини бўлиниши уларга эркин иқтисодий зоналар макони берилганда ва мавжуд потенциал ресурслардан самарали фойдаланишда жуда катта аҳамиятга эга.

Туризм объекти уч компонентни ўз ичига олади: туризм ҳудуди, туризм ташкилоти ва туризм корхонаси.

Туризм ҳудудини аниқлашда бир неча ёндашув мавжуд, улар қуйдаги саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ: туризм сафари учун танланган ҳудудни қандай аниқлаш мумкин ва туризм мақсади сифатида қандай ўлчамларга эга бўлган ҳудуд бозор сегментлари томонидан қабул қилинади.

БТТ дам олиш мақсади, ўқитиш жараёни ёки соғломлаштиришни ташкил қилиш учун зарур бўлган кенг махсус қурилмалар ва хизматларга эга бўлган ҳудудга туризм ҳудуди деб таъриф беради. Туризм ҳудуди, бу сафар мақсади ва туризм маҳсулотидир.

“Туризм ҳудуди” деб турист сафар мақсади учун танлаган жуғрофий ҳудудни тушунишади. Бундай ҳудудда турист етиб келиши, жойлашиши, овқатланиши ва дам олишини ташкил қилиш учун зарур бўлган ҳамма шароит муҳайё.

Туризм ҳудуди дам олиш нуқтаи назаридан 4 та параметрга эга: турар жой, жой, ландшафт ва экскурсиялар.

Замонавий туризмда ҳудудга таъриф беришда ҳудудни рақобатли бирлик деб тасаввур қилиш керак ва истеъмолга йўналтирилган фикрлашдан фойдаланиш лозим, бутун ҳудуднинг ишлаб чиқариш аппарати фақат истеъмолчининг талабига мос хизматлар мажмуасини ишлаб чиқиши ва бу хизматлар мажмуаси хизматлар мақсади деб тасвирланиши мумкин. Хизматлар занжири истеъмолчининг нуқтаи назаридан хизматларни алоҳида элементларга ажратувчи таҳлилий қуролдир. Истеъмолчи корхонанинг турли

хизмат элементларидан фойдаланганда уларни шу ҳудуднинг хизмати ва хизмат сифати деб баҳолайди.

Ҳудуднинг рақобатбардош бирлик сифатидаги стратегик мақсади ҳудуднинг узок муддатли рақобатбардошлигини таъминлашдир. Туризм фаолият соҳаси 4 та блокдан иборат:

- коммуникация ва маҳсулотни сотиш;
- туристик анжуманларни ўтказиш;
- туризм иншоатларини фойдаланишга топширишга тайёрлаш;
- туризм инфратузилмасини режалаштириш.

Ҳудуддаги туристларга хизмат кўрсатиш қуйидаги ташкилотлар орасида тақсимланади:

- хокимиятлар (шаҳар даражасида),
- меҳмонхона мажмуалари ва овқаталнишни ташкил қилувчилар вакиллари;
- туроператорлар ва воситачилар;
- транспорт ташкилотлари.

Туризм ташкилотлари туризм сиёсатини шакиллантиради, яъни улар туризм учун фойдали асос бўлувчи шу соҳа чегаравий шартларини яратиш ва кўл-остидаги ҳудудлар ривожланишини рағбарлантириши керак. Туризм ташкилотлари хусусий ёки давлат бирлашмалари шаклида бўлиши мумкин. Улар ўз фаолиятларини уч даражада олиб борадилар: миллий (федерал), вилоят ва шаҳар (хокимият).

Масъулият ва мажбуриятларини тақсимлаш бўйича турли даражадаги туризм ташкилотлари орасида қуйидаги функцияларни кўрсатиш мумкин:

- таклиф функцияси энг қуйи поғонадаги ташкилотларга юкланган, улар хизматидан фойдаланувчилар билан ишлашади ва маҳсулотларни яхши билишади;
- манфатлар ҳимояси функцияси ҳар бир даражада бажарилиши керак;

-маркетинг функцияси ҳар бир ҳудуднинг машҳурлиги, аҳамияти, обрўси ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бажарилади;

-етақчи тимсолини яратиш ва сақлашни ҳар бир даражадаги ташкилотлар бажариши лозим.

Эски ташкилий тузилма қуйи босқич мансабдорлари юқори мансабдорларига бўйсинишга асосланиб фикрланган ва сиёсий қарорларни акс эттирган. Янги туристик ташкилотлар бозор муносабатлари нуқтаи назаридан иш тутишмоқда. Шундай қилиб, туристик ташкилотлар бозор муносабатлари шароитида сотиш мумкин бўлган турхизматларни яратувчи бошқарув органи ва хусусий ташкилотлардан иборат.

Туризм корхоналари бирламчи ва икиламчи хизмат кўрсатувчи корхонага бўлинади¹⁵. Биринчи турга қуйдагилар мансуб:

-туроператорлар ва турвоситачилар;

-махсус хизмат транспорт корхоналари;

-меҳмонхона ташкилотлари;

Иккинчи турга қуйдагилар киради:

-овқатланиш корхоналари;

-умумий фойдаланиш транспорт воситалари.

Минтакаларда бошқарув тизимини ташкил қилишнинг асосий хусусиятлари ҳисоби шу билан биргаликда Ўзбекистон республикаси доирасида административ бўлиниш натижасида олдинги параграфда таъкидлаганимиздек тўртта туристик -Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро ва Хоразм, ҳозирги кунда эса учта истиқболли –Жиззах, Қарши-Термиз, Ўрта-Қорақалпоқ районларига ажратилган¹⁶.

Ҳудудий бошқарувни ўз ичига олган Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари Фарғона туристик райони ҳисобланиб, республиканинг шарқий қисмида жойлашган. Табиий-иқлимий шароитларининг турли хиллиги,

¹⁵ Буторова Н. В. Менеджмент и маркетинг иностранного туризма. -М: Советский спорт. 1999 г. 43 ст.

¹⁶ А.Н.Норчаев. Халқаро туризм. Маъруза матнлари. ТДИУ 2005 й. 65 б.

мажмуаси билан туристик объектларнинг кўп турлилиги соғломлаштирувчи туризмнинг кенг ривожланиши учун ҳудуддан фойдаланиш имкониятини аниқлайди. Фарғона туристик районининг комплексини шакллантирувчи асосий туристик объектлар бўлиб: археологик ва меъморий ёдгорликлар, саноатлашган комплекслар ҳисобланади. Районда табиий дам олиш зоналари ташкил килинган. Улар Сух дарёси, Сарик кўрғонида, Ойдин-кўл кўлида, Андижондан жануби шарқда «Боғишамол», Каркидон сув омборида Соғлаштирувчи туризмнинг марказлари бўлиб Комон сой, Водил, Шохимардон шаҳарлари, «Куксарой» «Ширмонбулоқ» туристик базалар, Андижон сув омбори қирғоқлари ҳисобланади. Бу ерда табиий имкониятлар анча кенгдир.

Темир йўллар ва автомобил йўлларини кенг тармоқлилиги Фарғона районида хорижий туризм индустриясининг ривожланиши учун маъқул келади.

Жиззах туристик райони бошқарувни ташкил қилиш бирлиги бўлиб, Сирдарё ва Жиззах вилояти ҳудудлари киритилади. Район яхши транспорт йўллари билан таъминланганлик ва табиий ресурсларнинг бойлиги билан маъмурий бошқарувга асос солинишига сабаб бўлади.¹⁷

Қарши - Термиз туристик райони бошқарувни ташкил қилиш бирлиги бўлиб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари киради. Шаҳрисабз, Кеш, Термизнинг тарихий-меъморий археологик ёдгорликлар, Китобдаги астромик кенглик станцияси туризм ривожланишига асоси бўлиб хизмат қилади. Қашқадарё, Сурхондарё ва Амударё қирғоқларида туризм ва дам олиш зоналари ташкил килинган. Тоғ туризм базаси Хисор тоғ тизмасига асосланган.

Ўзбекистоннинг яна битта райони - Ўрта Қорақалпоқ рекреацион ўзлаштирилиши мумкин. Бу районнинг ҳудудида ўзлаштирилишига

¹⁷ А.Н.Норчаев. Халқаро туризм. Маъруза матнлари. ТДИУ 2007 й. 72 б.

коммуникация билан курулганиш ва қулайлик бўйича аҳамиятга молик ишларни талаб қилади. Бу ерда экскурсион объектлар:

Тупроқ қалъаси, Бернут қалъа, Гилдурсун, Кат шаҳарчаси жойлашган. Шу билан бир вақтда бу ареологик ёдгорликлар Хоразм цивилизациясигача бўлган ёдгорликларга киради ва туризмнинг аниқланган ресурслари сифатида Хоразм туристик районининг тарихий-меъморий комплексидан ажралмас ҳисобланади.

“Ўзбектуризм” миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази ҳам юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини оширишда муҳим ўрин тутди. Марказ томонидан гидлар, туроператор ва меҳмонхона хўжалиги ходимлари тайёрланмоқда. Малакали кадрлар тайёрлаш борасида ижтимоий ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Хусусан, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Британия Кенгашининг “Инглиз тили туризм учун” номли қўшма лойиҳаси доирасида туризм коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш, соҳага оид ўқув дастурларини такомиллаштиришга қаратилган тренинглари ўтказилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор ва фармонлари ва уларнинг амалаг оширилиши чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

сайёҳлик инфратузилмасини тараққий эттириш, миллий туристик хизматларни халқаро бозорларга таклиф этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимиз тарих ва замонавийлик уйғунлашган қадимий шаҳарлари, ноёб маданий-маънавий мероси, халқимизнинг миллий ўзлигини намоён этувчи урф-одат, анъаналари, табиий салоҳияти билан дунё сайёҳларининг эътиборини ўзига тортмоқда. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳити, ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат турлари сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда.

Ўзбекистонга келаётган туристлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Хусусан, 2015 йилда мамлакатимизга 2 миллиондан кўпроқ сайёҳ ташриф буюрган.

Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш доимий эътиборда. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари парки ва аэропортлар модернизация қилинмоқда, парвозлар географияси кенгаяётир. Пойтахтимиздан Самарқанд, Бухоро ва Қаршига қатновчи юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” поезда сайёҳларга манзур бўлмоқда. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли бунёд этилиши натижасида Тошкентдан Фарғона водийсига замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Йўл инфратузилмасини ривожлантириш баробарида хорижлик сайёҳлар ва халқимизга бу йўналишда хизмат кўрсатиш тизими ҳам йилдан-йилга ривожланаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда 1 минг 282 сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 661 меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг, 600 дан ортиқ сайёҳлик компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз туризм индустрияси қадимийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган. Ўзбекистон тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Самарқанд, Бухоро, Тошкент,

Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари бутун дунёда кадрланади. Юртимизнинг бой маънавий-маданий мероси ва ранг-баранг табиати экотуризм, геотуризм, альпинизм, экстремал, маданий туризм, балиқ ови, рафтинг каби сайёҳликнинг замонавий турлари учун қулай имконият яратмоқда.

Сайёҳлик йўналишлари кенгаётгани, транспорт коммуникациялари ва хизмат кўрсатиш яхшиланаётгани самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар тобора кўпайиб бораётир. 2014 йилда мамлакатимизда сайёҳлик хизматлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 116 фоиз, шундай хизматлар экспорти 120 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида юртимизга келган хорижлик сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 фоиз ўсди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси халқаро туризм бозорида муносиб ўрин эгаллаган. Ҳаво кемалари парки ва аэропортлар модернизация қилингани, парвозлар географияси кенгайгани юртимизга сайёҳларни жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. Пойтахтимиздан Самарқанд ва Қаршига қатновчи юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” поезда сайёҳларга манзур бўлмоқда. Бугун Ўзбекистонда 1279 сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 548 меҳмонхона, сайёҳлик базалари ва кемпинглар, 731 сайёҳлик компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Самарқандда ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси туризм индустрияси ривожига муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори вилоятдаги тарихий-маданий мерос объектларини тадқиқ этиш, реставрация қилиш, консервациялаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарор ижроси доирасида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, янги сайёҳлик йўналишлари очиш, дам олиш ва саёҳат қилиш билан боғлиқ шароитларни бундан-да яхшилаш, сайёҳларни минтақанинг тарихий ва маданий мероси билан яқиндан таништириш, транспорт-коммунал инфратузилма объектлари комплекси билан Чимён-Чорвоқ рекреацион зонасида янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг ахборот хизматидан олинган маълумотларга кўра, Бўстонлик туманидаги Ҳожикент ва Юсуфхона қишлоқларида замонавий меҳмонхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилган. “Оқтош” санаторийси таъмирланган. Чимён-Чорвоқ рекреацион зонасида янги лойиҳалар амалга оширилган. Бу ерга келувчи меҳмонларнинг дам олиши, саёҳат қилиши учун яратилган шароитлар яхшиланиб, хизмат кўрсатиш тури кўпайган.

Воҳада агротуризмни ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Бўстонлик ва Чиноз туманларида балиқ маҳсулотлари кўرғазмаси, “Чимён-экстрим” қишки спорт ўйини, “Чимён садоси” экологик саёҳат фестивалини анъанавий ташкил этиш йўлга қўйилди. Паркент туманида узум сайли ташкил этиш анъана тусини олди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Молия, Адлия вазирликлари, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Табиатни муҳофаза

қилиш, “Давархитектқурилиш” ҳамда “Ергеодезкадастр” давлат қўмиталари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида 3 миллион доллар маблағ эвазига 15 объектни янги кўринишга келтириш учун муайян ишлар олиб борилаётир.

Меҳмонхона ва бошқа туризм инфратузилмасини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилган. Чунончи, “Янгиобод” туризм базаси фаолияти яхшиланади. Паркент туманидаги “Сумча” дам олиш зонаси инфратузилмасини реконструкция қилиш кўзда тутилган, унинг ишлаб турган 220 ўринли меҳмонхона мажмуаси қайта жиҳозланмоқда. Кўшимча равишда 50 ўринли коттеж қурилаётир.

Ҳожикент темир йўл вокзалидан рекреацион ҳудудгача йўловчиларни ташиш хизмати кенгайтирилиб, янги йўналишлар очиш устида иш олиб борилмоқда. Вилоятнинг миллий маданияти, анъаналари, табиати ва ўзига хос таомлари “Welcome Uzbekistan” веб-порталида акс эттириляётир. Бўстонлик туманидаги туризм касб-ҳунар коллежининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда. Вилоят сайёҳлик фирмалари Лондондаги “World Travel Market”, Берлиндаги “ITB”, Токиодаги “JATA”, Пекиндаги “China Outbound and Tourism Market”, Сеулдаги “KOTFA” ва бошқа нуфузли кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда. Оққўрғон туманидаги Шохруҳия, Хонқа археологик ёдгорликлари, Оҳангарондаги Саур тепа, Шодмалик ота, Сардоба қайнар мажмуалари, Пискент туманидаги Парпи ота, Қирққиз, Сормозор қадамжолари атрофи ободонлаштирилмоқда.

Вилоятнинг зиёратгоҳ ва қадамжоларига келиб кетаётган сайёҳлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу наинки Тошкент вилоятининг, айни чоғда бутун мамлакатимиз довуғини ёйишга хизмат қилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 20 март куни қабул қилинган “Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўтказилган мазкур тадбир “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Ўзбекистон Маданият ва

спорт ишлари вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Мамлакатимизда туризм инфратузилмасини изчил ривожлантириш ва ички туризмни тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Туризм соҳасида улкан салоҳият ва кенг имкониятларга эга мамлакатимизга келаётган чет эллик сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Сайёҳликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида ҳудудларнинг бу йўналишдаги мавжуд имкониятларини янада кенгроқ ишга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланишни янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг ҳудуддаги ноёб тарихий-маданий ва меъморий ёдгорликлар билан кенг қамровда танишиши учун янада қулай шароит яратишга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатда Хоразм вилоятида туристик хизматлар ҳажмини, экспортини, келаётган сайёҳлар сони меҳмонхоналардаги ўринларни сезиларли даражада ошириш белгиланган. Дастур доирасида вилоятда икки юзга яқин лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Биринчи марта ташкил этилган “Workshop – 2013” минтақавий сайёҳлик форуми жорий сайёҳлик мавсумидаги энг муҳим анжуманлардан бири бўлиб, ички туризмни ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланди. “Workshop – 2013” сайёҳлик форумида мамлакатимиз туризм индустриясининг етакчи мутахассислари минтақавий туризмни ривожлантириш истиқболлари ҳамда соҳадаги долзарб вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш имкониятига эга бўлди. Сайёҳлик соҳасида минтақавий брендинг, хорижий сайёҳлар гуруҳларини жалб этиш механизмларини такомиллаштириш, туризмнинг анъанавий ва муқобил турларини ривожлантириш, туристик хизматлар сифатини янада яхшилаш, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Сайёҳлик форумида иштирокчилар ва туроператорлар ички туризмни ривожлантиришга йўналтирилган янги лойиҳа ва дастурлар, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган янги туристик йўналишлар, миллий услубда барпо этилган меҳмонхоналар ҳамда бошқа сайёҳлик иншоотлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта истикболда туризмни ривожлантириш бўйича Концепциясини ҳаётга татбиқ этиш чоралари тўғрисида»ги 4861-сонли қарори лойиҳасида сўз юритилган. Бунда ҳужжатда қайд этилишича, миллий сайёҳлик маҳсулотларининг рақобат бардошлигига яшаш ва авиапарвозлар учун юқори нархлар, сервис даражасининг чекланганлиги, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларнинг номукамаллиги, қулай сайёҳлик ахборот таъминоти (навигация ва ахборот марказлари) мавжуд эмаслиги, малакали кадрларнинг танқислиги, Ўзбекистонни хорижда тарғиб қилишнинг заифлиги жиддий муаммолардир. Бундан ташқари, сайёҳлар учун маъмурий ва иқтисодий тўсиқлар, виза тартиблари, туризм фаолияти билан шуғулланишда (лицензиялаш ва сертификатлаш) давлат назоратининг ўта кучли экани шундай муаммолар сирасига киради. «Туризмнинг ўсиш суръатини ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари, аҳоли фаровонлиги ўсишига ижобий таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чоралар қабул қилиш заруратидан келиб чиқиб, туризм соҳаси мамлакат тараққиётининг барқарор ўсишида энг кучли воситалардан бири бўлиши керак»¹⁸, — дея таъкидланади лойиҳада.

Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, туризм жаҳон товарлар ва хизматлар экспортида тўртинчи, даромад келтириши бўйича учинчи ўринда туради. Унинг жаҳон ЯИМдаги

¹⁸ kun.uz

ҳиссаси 10 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон, Бутунжаҳон туризм ва сайёҳатлар бўйича кенгаши (БТСК)нинг баҳоларига кўра, сайёҳлар келиши борасида дунё мамлакатлари орасида 150-ўринда. Унинг ҳиссасига умумий сайёҳлар оқимининг 0,2 фоизи (бу борадаги Ўзбекистон салоҳияти 2,2 фоиз) тўғри келади.

Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини – зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмни, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари – туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш;

Республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини – меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг

шу каби воситаларини, умумий овқатланиш объектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунитидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг вилоятдаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолиятига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги вакиллари, вилоятдаги сайёҳлик фирмалари, меҳмонхоналар раҳбарлари, туристик объектлар масъул ходимлари иштирок этди.

Парламент қўйи палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси А.Жалилов ва бошқалар юртимизда туризмни янада ривожлантириш, мамлакатимизни жаҳонда туризм марказларидан бирига айлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни ва соҳага оид кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани мамлакатимиз сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланиш, туризм индустриясини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

– Самарқанд вилоятида 1 минг 105 археологик ва 670 меъморий обида, 37 диққатга сазовор жойлар, 18 монументал, 21 мемориал, жами 1 минг 851 моддий-маданий мерос объекти мавжуд – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Қ.Жўраев. – Вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2016-2017 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурига асосан, мазкур объектларда таъмирлаш, реставрация, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган. Сайёҳлар мобиль курилма асосида мустақил ҳаракатланиши учун ўзбек, рус ва инглиз тилларида “SAM TOUR” дастури яратилган. Сайёҳлар келадиган объектларга олиб борувчи йўллар босқичма-босқич таъмирланмоқда. Сайёҳлик фирмалари кейинги тўрт йилда хориждан 80 дан ортиқ замонавий автобус харид қилган.

Йиғилишда қонун ижроси юзасидан ўтказилган ўрганиш жараёнида кузатилган камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур таклиф ва тавсиялар билдирилди. Вилоятнинг бой туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, сайёҳларга замонавий хизматлар кўрсатиш ишларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишлар кўлами ва сифатини оширди. Барча вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатори Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ҳам виртуал қабулхонаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг www.uzbektourism.uz расмий веб-сайтида очилган виртуал

кабулхона соҳада фаолият юритувчиларнинг мурожаат, шикоят ва таклифлари билан танишиш, уларга ечим топиш ҳамда аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб беришда енгиллик ва қулайликлар яратади.

2-БОБ. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳолати ва туристик микониятлари.

2.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар.

Ҳозирги кунда мамлакатда туризмни ривожлантиришда ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев раислигида туризм соҳасини янада ривожлантириш ва туристик хизматлар экспортини кўпайтириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди, унда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашнинг 27.12.2011 йилдаги №01-14/1-299—сон баённомасига кўра яқин истиқболда 2011—2012 йиллар даврида туризм соҳасини ривожлантириш ва минтақалар туристик хизматларининг экспорт салоҳиятини кўпайтириш бўйича тасдиқланган аниқ тадбирлар дастурларини бажариш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек мамлакатнинг туристик салоҳиятини хорижий туристик бозорларга олиб чиқиш учун туризмни ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Хусусан, туристик базалар, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий—курорт, даволаш—соғломлаштириш, спорт соғломлаштириш, рекреация ва экотуристтик ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг ягона реестрини яратиш режалаштирилган. Маҳаллий туристларни мамлакат бўйлаб саёҳатларга жалб этиш учун 2012—2013 йилларда ички туризмни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди, уларни амалга ошириш дам олувчилар учун қулай шароитлар яратишга ва Ўзбекистонликларнинг республика туристик объектларига қизиқишини оширишга имкон беради. Шу билан бирга 2012—2016 йиллар

даврида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича чоралар комплексини тайёрлаш устида иш олиб бориляпти.

Баённомада йўлардаги туристик кўрсаткичлар намуналарини ишлаб чиқиш ҳам назарда тутилган, улар республиканинг аэропортлари, темир йўл вокзаллари, туристик шаҳарларда ва автомагистралларида ўрнатилади.

Туризм соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш бобида туристларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилотлар учун “Меҳмонпарварлик ва сервис дарслари” мавзусида семинарлар ўтказиш мўлжалланган. Ушбу долзарб вазифа “Ўзбектуризм” МКнинг Республика илмий—ўқув консалтинг маркази зиммасига юкланган, у ўз зиммасига ўқув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш функцияларини ҳам олади.

Ўзбекистоннинг хориждаги туристик имкониятларини намойиш этадиган тадбирларни ташкил этиш иши давом этапти. Шунини таъкидлаш лозимки, тугаётган йилда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатхоналари томонидан республиканинг туристик салоҳияти тақдими бўйича жами 400 дан ортиқ тадбир ўтказилди, бу эса Ўзбекистонга қўшимча туристик оқимларини жалб этишга имкон берди.

Баённомада Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини янада ривожлантиришга йўналалтирилган бутун бир қатор бошқа тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Жорий йилнинг феврал ойида “Ўзбектуризм” МК ҳайятининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилда тармоқни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди, унда компания минтақавий бўлимларининг вакиллари ва саёҳат бюроларининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисида мамлакатнинг туризм соҳасини ривожлантириш бўйича ўтган йили қилинган ишлар ҳар томонлама таҳлил қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 январидagi мажлисида Президент Ислom Каримов қилган маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашда таъкидланганидек, 2011 йилда хизмат кўрсатилган чет эллик ва маҳаллий туристларнинг умумий сони 1 млн кишидан¹⁹ ошди, шу жумладан туризм соҳаси корхоналари томонидан 463,4 млн нафар чет эллик туристга хизмат кўрсатилди. Бунда хизмат кўрсатилган туристлар сонининг ўсиш суръатлари ўтган йил билан таққослаганда 5,4% ни ташкил қилди. Ўтган йили Ўзбекистонга 1 млн нафардан зиёд чет эл фуқаролари келиб кетди.

Туризм соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш ҳисобига кўрсатилган туристик хизматларнинг умумий ҳажми 2011 йилда 2010 йилдаги кўрсаткичлардан 8,3% га ошди.

Туристик хизматлар экспортининг прогнози 112,0% га бажарилди. 2010 йил билан таққослаганда ушбу кўрсаткич 127,8% ни ташкил қилди²⁰. Дунё туризмида мамлакатлар ичида Франция, Испания, АҚШ, Италия, Буюк Британия, Хитой мамлакатлари етакчилик қилишмоқда. Мамлакатимизда туристик корхоналарнинг асосий вазифаси ҳам мамлакатимизга хорижий туристларни кўпроқ жалб қилишдир. Шу ўринда Президентимизнинг ўз маърузаларида ҳам экспортга йўналтирилган корхоналар ривожига эътибор бериб жумладан: “Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференсиялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур”²¹ деб таъкидлаганлар. Чет элдан меҳмонларни қабул қилиш сони бўйича етакчилик бир неча йиллардан буён Франция томонидан сақлаб келинаётганлиги кузатилмоқда. Ҳозирда Францияга дунё бўйича халқаро туризмга чиққан саёҳатчилар 10 фоизини ташкил қилаётган бўлса, туризмдан

¹⁹ “Uzbektourism.uz” сайти маълумотлари.

²⁰ “Uzbektourism.uz” сайти маълумотлари.

²¹ Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 2012 йил 21 январ.

даромад олишда АҚШ етакчилиқ қилмоқда. Жумладан, биргина АҚШ ички туризмнинг ўзидан ҳар йили 300 миллиард долларга яқин даромад олмақда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини рағбатлантириш бўйича ўтказилган тадбирлар натижасида туристик фаолият субъектларининг сони кўпайди. Чунончи, ўтган йилда 124 ташкилотга туристик хизматлар кўрсатиш учун литсензия берилди, улар асосида 55 меҳмонхона хўжалигининг фаолияти ташкил этилди.

Бугунги кунда республикада 898 туристик ташкилот фаолият юритяпти, улардан 510таси туроператорлик фаолиятини амалга оширади, 318таси меҳмонхона хўжаликларидир. Шу билан бирга мамлакатнинг туристик салоҳиятини чет эл бозорларига олиб чиқиш ва чет эллик туристларнинг Ўзбекистон Республикасига оқимини кўпайтириш иши таҳлил қилинди. Чет эл туристик компанияларини Ўзбекистонга туристларни йўналтириш ишига жалб этиш ва мамлакат туристик маҳсулотини хорижий бозорларига олиб чиқиш бўйича ўтказилган тадбирлар ҳам ўз натижаларини беряпти.

Хусусан, ҳисобот даврида “мега—инфо—турлар” таништириш сафарлари лойиҳасини амалга ошириш давомида Ўзбекистонга дунёнинг 36 мамлакатидан чет эллик туристик ташкилотларининг 580дан зиёд вакили ва оммавий ахборот воситаларининг туризм мавзусини ёритишга ихтисослашган 46 вакили келди. Чет эл туристик ташкилотлар ва ОАВнинг Ўзбекистонга жалб этилган вакилларининг умумий сони 627 кишини ташкил қилди.

“Мега—инфо—турлар” таништириш сафарлари лойиҳасини амалга ошириш Ўзбекистонга келадиган туристларнинг сони 2012 йилда ўртача 15% га кўпайишига имкон яратади деб фараз қилинмоқда.

2012 йилда 2011—2012 йиллар даврида туризм соҳасини ривожлантириш ва мамлакат барча минтақаларининг туристик хизматлари

экспорт салоҳиятини ошириш бўйича аниқ тадбирлар дастурларини амалга ошириш иши давом эттирилади.

Дастурларда белгиланган тадбирларни амалга ошириш якунлари бўйича 2012 йил охиригача республикада 77 меҳмонхона ва шунга ўхшаш бошқа жойлаштириш воситалари қурилиши; туристларга кўрсатиш учун 90 объект барпо этилиши; туристларга сервис хизмати кўрсатадиган 70 объект қурилиши; туристларга хизмат кўрсатиш учун янги 53 автобус ва микроавтобус харид қилиниши кутиляпти.

Мажлисида тармоқни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва камчиликларга алоҳида эътибор берилди. Тармоқ корхоналари томонидан мамлакатда ички туризмни ривожлантириш иши етарли даражада олиб борилмаётганлиги ва ички туристларга хизмат кўрсатиш ҳажмларини оширишда пассивликка йўл қўйилаётганлик танқидий равишда қайд этилди.

Шу жумладан туристик базалар, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий—курорт, даволаш—соғломлаштириш, спорт—соғломлаштириш, рекреатсион ва экотуристтик ташкилотлар ва муассасаларда ички туристларга хизмат кўрсатиш имкониятларидан самарали фойдаланилмаяпти.

Мажлисида мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Хусусан, 2012—2013 йилларда ички туризмни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурларни тайёрлаш ишини жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур дастурларни амалга ошириш дам олувчилар учун қулай шарт—шароитлар яратиш ва Ўзбекистонликларнинг мамлакат бўйлаб туристик сафарлар қилишга қизиқишларини фаоллаштириш учун имкон яратади.

Туристтик хизматлар сифатини такомиллаштириш бўйича иш доирасида “Ўзбектуризм” МК ҳузуридаги Республика илмий—ўқув консалтинг маркази зиммасига мамлакат туристик кадрларнинг малакасини ошириш вазифалари юкланди. Шу муносабат билан туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат

кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилотлар учун “Меҳмонпарварлик ва сервис дарслари” мавзусида семинарлар туркумини ўтказиш мўлжалланган.



Авваллари туризм соҳасида фақатгина давлат томонидан эътибор берилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу соҳа кичик хусусий корхоналар фаолияти ва шахсий хизматларга боғлиқ бўлиб қолди. Аввалги “Интурист” туристик идоралари ўрнига ҳозирда 300 дан ортиқ туристик агентликлари хизмат кўрсатади. Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб 500 дан ортиқ кичик хусусий меҳмонхоналар, замонавий бизнес-меҳмонхоналар фаолият кўрсатади. Туристик корхоналар доимий равишда малака оширишга, ўз хизматларини халқаро стандартларга ўз вақтида мослаб боришга ва уларни ташқи туризмга эътибор қаратган ҳолда экспорт қилишга ҳаракат қилишмоқда. Ички туристик бозор йилдан йилга янги ва қизиқарли йўлланмалар эвазига бойимокда: туризмнинг географик сарҳадларининг кенгайиши ва саёҳатларнинг хилма-хиллигининг бойиши; саломатлик, хизмат, таълим, гуруҳ, болалар ва ёшлар, шопинг ва диний каби туризмнинг янги турлари фаолиятини ташқи туризмда кўришимиз мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролари кўплаб мамлакатларга визасиз саёҳат қилиш имкониятига эга бўлса, керакли визалар орқали бутун дунё бўйлаб саёҳат қилишлари мумкин.



Ўзбекистоннинг қадим шаҳарларидаги миноралари мамлакат меъморчилигининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Самога томон бўй чўзган бу мухташам иморатлар бир замонлар сайёҳлар ва қарвонларга йўл кўрсатувчи, диндорларни ибодатга чорловчи маёқ вазифасини ўтаган бўлса, бугун улар сайёҳликнинг нафис ва бетакрор обидалари қаторидан ўрин эгаллаган. Гарчи, бугунга қадар етиб келган миноралар мумтоз исломий меъморчилик услубида қад ростлаган бўлса-да, улар бу ерларда Ислом маданиятига қадар ҳам бўлган. Мисол учун, улардан

турли хабар ва сигналларни етказишда маёқ ёки ибодатхона қўнғирқонаси сифатида фойдаланилган. Ҳаттоки, араб тилидаги «манора» сўзидан ўзлаштирилган «минора» сўзи ҳам маёқ деган маънони ифодалайди. Ўзбекистонга беҳудага феруза ранг гумбазлар ва хушқад, салобатли миноралар юрти дея нисбат берилмайди. Ушбу мақолада мамлакатдаги бир нечта афсонавий миноралар ҳақидаги қисқача маълумотларни тақдим этамиз. Ўзбекистонда ёши 2000 йилга етадиган минора ҳамда баланд қалъалар мавжуд. Бу иншоотлар Ислом меъморчилиги қоидаларига кўра қурилган бўлишига қарамасдан, шакл ва безак ишлари жиҳатидан деярли бир-бирининг ҳашами ва ўзига хослигини такрорламайди. Мукамал меъморий ечим, пухта билим билан тикланган минораларда оғирликни тақсимлаш ва чидамлилиқ маҳорат билан амалга оширилганки, бу мислсиз маёқлар асрлардан буён ҳам табиат, ҳам одамларнинг салбий таъсирларига қарши чидам билан қад кўтариб турибди. Шу боис ҳам ҳар бир минора ўзининг жилвақорлиги, ҳашамати ва кўркемлиги, мағрурлик ҳамда азоб ва уқубатлари ва умидсиз кунлари акс этган шахсий ўтмишига эга.

Тарихий Термиз шаҳри атрофида Ўзбекистоннинг бир қатор кўҳна минора ва қалъалари қад кўтариб турибди, булар: Зурмала ва Жарқўрғон миноралари. Зурмала минораси милoddан аввлагии II асрда қурилган бўлиб, у ўша кезлари йирик монастирлик жамоасининг будда эътиқоди маркази бўлган. Бугунги кунда миноранинг баландлиги 11 метр, кенлиги эса 6 метрли жойи сақланиб қолинган. Жарқўрғон минораси эса 1109 йилда қад кўтарган. Унинг бўйи 22 метр бўлиб, ўзига хос меъморий ечими ва услуби, салобати билан ҳар қандай сайёҳни лол қолдиради. Миноранинг асл баландлиги бир вақтлар 35 метрни ташкил қилган ва у ўрнашган ерда илгари масжид ҳам бўлган.²² Миноралар забт этган юксакликка эришиб, улардаги улуғворликни пастдан туриб юқорига қараб томоша қилиш қийин бўлса-да,

²² «Uzbektourism.uz» сайти маълумотлари

хар гал уларга кўз тикканингизда қалбингизда қадим иншоотларнинг юксак руҳини ҳис қиласиз.



Тошкент – шаҳарсозлик равнақи тимсолига айланган, ажиб тарихга эга муҳим шаҳар. Гарчи, шаҳар сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудда жойлашган бўлса ҳам, танганинг иккинчи томони ҳам борки, бу қайсидир маънода меъморлар маҳоратининг юксак даражасини синовдан ўтказадиган ижобий чақириқдир. Тошкентнинг архитектура ҳашамдорлиги Ислом меъморчилигининг тарихий-диний иншоотларини ўзида кенг кўламда акс эттирган. Хусусан, масжидлар, мақбаралар ҳамда мадрасалар, шу билан бирга турар жойларда ва ҳаммомларда, савдо расталари ва эски шаҳар ҳудудидаги лой сувоқ уйлар меъморий ечимида ўзига хослик мужассам. Шунингдек, шаҳарда XIX асрга тегишли мустамлака даври иншоотлари, 30-50-йилларнинг импрессионистик услубидаги бинолари, 70-йилларда зилзиладан сўнгги қурилишлар ҳамда 90-йиллардан кейин қад ростлаган замонавий иморатларни учратиш мумкин.



1966 йилдаги кучли зилзила шаҳарни вайрон қилди. Харобалар остида қолган Ўзбекистон пойтахти жамоатчилик ва кўнгиллиларнинг фидокорлиги эвазига қисқа фурсат ичида қайта қурилиб, унинг ўрнида замонавий шароит ва инфратузилмага эга серҳашам шаҳар қад ростлади. «Тошкент метроси», «Тошкент телеминоарси», «Халқлар дўстлиги» (айни пайтда «Истиқлол» саройи) концерт зали, кенг ва равон шоҳ кўчалар ҳамда ажиб жилочорлик безаклари ва нақшинкор ташқи кўринишга эга ҳайратланарли даражадаги баланд турар жойларни бу қаҳрамонона меҳнатнинг натижалари сифатида эътироф этиш мумкин. Бугун жимжимадор мармар бинолар, қадим меъморий обидаларнинг уйғунлиги намоён гўзал Тошкент очиқ осмон остидаги йирик музейдек таассурот қолдиради.



90-йиллардаги сиёсий ўзгаришлардан сўнг шаҳар меъморлари олдида замонавий шаҳар бунёд этиш вазифаси кўйилган. Шу тахлит пойтахтда Парламентнинг янги биноси, Миллий банкнинг янги идораси, шу билан бирга аҳамиятга эга бошқарув бинолари, маданий муассаса иншоотлари, музейлар, университетлар ва бошқа қайта тикланган ёки янгидан қурилган объектлар кўзга ташлана бошлади. Вақти билан янги бинолар, меҳмонхоналар, халқаро конгресс-заллари, стадионлар, аэропортдаги янги терминал, вокзал олди ҳудудини модернизациялаш, улкан савдо марказлари, кўплаб мухташам уй-жойларини қуриш ишлари бошланди. Яқиндан бошлаб нафис ва ҳашамдор оппоқ мрамор билан қопланган мухташам бинолар қуриш ва кенг миқёсда кўкаламзорлаштириш услуги Тошкент шаҳрининг қиёфасида муҳим ўрин эгаллаган меъморий ечимга айланди.

Туризм - иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан. Айни пайтда, мазкур тармоқ дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият соҳасидаги амалий мулоқотида ўзига хос робита вазифасини ўтамоқда. Жаҳон сайёҳлик саноатида туризмдан тушаётган даромад автомобиль ишлаб чиқариш, нефть ва газ саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Дунёда туризм соҳасида 195 миллион киши – иш билан банд аҳолининг саккиз фоизи меҳнат қилмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича сайёҳлар оқими йилига 4-5 фоиз ўсмоқда. 2012 йилда сайёрамизда саёҳат қилувчилар сони бир миллиарддан ошди.

Ўзбекистон – замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга мамлакат. “Ўзбектуризм” миллий компаниясидан маълум қилишларича, 2011 йилда мамлакатимизда бир миллиондан зиёд сайёҳга хизмат кўрсатилган. Бу 2010 йилга нисбатан 5,4 фоиз кўпдир. 2011 йилда сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми 8,3 фоиз ошган. Соҳада иш юритаётган хўжалик субъектлари сони ҳам мунтазам ортиб бормоқда. 2011 йилда 124 сайёҳлик корхонаси, жумладан, 55

меҳмонхона ишга туширилган. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада 865 сайёҳлик ташкилоти – 506 сайёҳлик оператори ва 359 меҳмонхона фаолият юритмоқда.

Мамлакатнинг туристик соҳадаги имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай янги туристик маҳсулотга, аввало, маҳаллий сайёҳларда қизиқиш уйғотиб, сўнгра уни хорижий сайёҳларга тақдим этиш самарали йўл эканлиги халқаро тажрибада тасдиғини топган. Масалан, жаҳон сайёҳлик саноатида етакчи ўринни эгаллаган Испанияда аҳолининг 90 фоизи мамлакат бўйлаб саёҳат қилади. Ушбу давлатга келувчи хорижий сайёҳлар сони эса 2012 йил якуни бўйича 58 миллионга етиши кутилмоқда. Умуман олганда, бирор мамлакат миқёсида туризм интенсивлиги 50 фоиздан ошса, яъни мамлакат умумий аҳолисининг 14 ёшдан катта қисмининг ярмидан кўпи бир йилда ҳеч бўлмаганда бир мартаба саёҳат қилса, бу ўша мамлакатда туризм оммавий тус олганидан далолатдир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини тараққий эттириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада қатор ҳудудий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Сайёҳлик хизматлари кўрсатиш соҳасига маданият, телекоммуникация, савдо, овқатланиш, саноат соҳаси ташкилотлари ҳамда муассасалари, оммавий ахборот воситалари фаол жалб этилмоқда. Мамлакатимизда ички туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш, ҳудудлардаги сайёҳлик базалари, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий ва курортлар, рекреацион ва экотуристтик ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир.

Бу жараёнда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон

Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол киритишга хизмат қилиши шубҳасиз.

– Ҳар бир ҳудуд учун 2011-2012 йилларга мўлжалланган манзилли чора-тадбирлар дастурларида вилоятлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқларда ички туризмни ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган аниқ тадбирлар белгилаб берилган, – дейди “Ўзбектуризм” миллий компанияси раисининг ўринбосари Анвар Темирхўжаев. – Ушбу тадбирлар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари ва ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Масалан, тарихий ва меъморий обидалар нисбатан камроқ ҳудудларда фаол турдаги туристик хизматларни йўлга қўйиш, шунингдек, тоғли зоналар, қишлоқ жойларга мўлжалланган алоҳида турдаги туристик хизматларни ташкил қилиш каби вазифалар назарда тутилган. “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур тадбирларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самарасида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бир қанча ўтов оромгоҳлари, кемпинглар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари барпо этилиб, сайёҳлар учун турли туристик хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон сингари шаҳарларимизда халқимизнинг бой тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий обидалар авайлаб сақланаётганлиги ҳамда миллий ҳунармандлик марказлари фаолият кўрсатаётгани мазкур ҳудудларда нафақат халқаро, балки ички туризмни ҳам жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, Бухородаги маданий ва тарихий ёдгорликлар, жумладан, Масжиди Калон ва Чор Бакр мажмуалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг қадамжоларини зиёрат қилиш мақсадида минглаб

хамюртларимиз мазкур вилоятга саёхат қилмоқдалар. Тегишли ташкилот ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда ички йўналишлар бўйича сафарга чиқиш истагида бўлган юртдошларимиз учун автобусларда имтиёзли нархларда саёхатлар уюштирилмоқда. Бу юртдошларимизнинг ўлкамиз бой маданий мероси ва қадимий тарихи, шунингдек, истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари, хусусан, Оролбўйида ҳам ички туризмни ривожлантириш ишлари доирасида янги сайёхлик йўналишлари ташкил этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қадимий қалъалар ҳамда диққатга сазовор жойлар бўйлаб уч йўналишда саёхатлар таклиф этилмоқда. Хусусан, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, Устюрт кенгликларидаги сайёқлар яйлови, Судоче кўлининг сақланиб қолган акваториясига саёхатлар уюштирилмоқда. “Сахролар ичра ўтмиш садолари”, “Оролга саёхат”, “Тилаклар қудуғи”, “Ипак ипи мўъжизаси”, “Қорақалпоғистоннинг қадимий қалъалари” каби дастурлардан иборат йўналишлар сайёҳларга кўпроқ маъқул келмоқда. Ўлканинг бой тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги санъат музейида тўқсон мингдан ортиқ экспонат сақланади. Қорақалпоқ элининг миллий безаклари, халқ амалий санъати намуналари, каштачилик буюмлари, миллий либослари сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

Оролбўйига сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида минтақанинг табиий иқлим шароитидан оқилона фойдаланилиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, табиий сув ҳавзаларида балиқ, ўрдак овлаш бўйича янги сайёхлик йўналишлари ташкил этилган. Шунингдек, “Миздақхон қалъа”, “Тупроққалъа”, “Аёзқалъа”, “Чилпиқ” каби қадимий ёдгорликлар, Амударё соҳили бўйлаб экологик турлар ташкил этилмоқда.

– Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ички туризм изчил ривожланмоқда, – дейди “Аёзқалъа-тур” сайёҳлик компанияси директори Дилбар Каримбердиева. – 1998 йилдан буён фаолият юритаётган компаниямиз Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида жойлашган. Қорақалпоқ халқининг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларини намоеън этган ўзига хос сайёҳлик турлари ташкил этиш орқали хорижий мамлакатлардан кўплаб сайёҳларни жалб этаяпмиз. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан Қорақалпоғистонга саёҳатга келувчилар кўпаймоқда, ўз навбатида ҳудудимиз аҳолисининг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Термиз каби шаҳарларимизга саёҳати уюштирилмоқда. Мамлакатимизда сайёҳликнинг, жумладан, ички туризмнинг ривожланиши янги иш ўринлари очилиши, иқтисодиётимизнинг ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик" лойиҳаси олти йўналишдан иборат бўлиб, улардан бири ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган. Бу борада иккита бошланғич ҳудуд: Жиззах вилоятининг Зомин ҳамда Наманган вилоятининг Чортоқ туманлари танлаб олинган. Мазкур туманлар ички туризмни ривожлантириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Хусусан, Зоминда рекреацион – дам олиш ва соғлиқни тиклаш мақсадларига хизмат қилувчи кўплаб ресурслар мавжуд. Ҳудуднинг тоғ экотизими, археологик ёдкорликлари у ерда экологик, спелеологик (ғорларга саёҳат қилиш), тарихий, қишлоқ ва спорт туризми – чанғида учиш, пиёда саёҳат, тоғ велосипедини ривожлантириш имконини беради. Лойиҳа ижроси доирасида Зоминда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қизиқарли икки туристик йўналиш ишлаб чиқилди. Сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсата оладиган транспорт компаниялари, овқатланиш шохобчалари билан алоқалар йўлга қўйилди. Археологик ёдкорликларга элтувчи автомобиль йўлларида

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида йўл кўрсаткичлар ўрнатилди. 2012 йилнинг ўзида туманда ўн иккита аҳоли уйларида меҳмонларни кутиб олиш учун шароитлар яратилди. Уларда хизмат қилувчи ишчи ва ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинглар ўтказилди. Сайёҳлар табиат қўйнида дам олиш билан бирга, турли маданий дастурлар, масалан, келин салом, бешик тўйи каби миллий маросимлар, шунингдек, маҳаллий таомларни тайёрлаш бўйича маҳорат сабоқларида ва уй юмушларини бажаришда ҳам қатнашиши мумкин. Лойиҳада белгиланган вазифаларга мувофиқ, Зомин туманида ташкил этилган туристик хизматлар мажмуи, туман ҳақида атрофлича маълумот берувчи ахборотномалар, видеоролик, оригинал логотип юртимиздаги маҳаллий сайёҳлик компанияларига тақдим этилди.

Мамлакатимизда ички туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар сайёҳларга қулай шароит яратиш ва уларнинг ўз саёҳатларини мазмунли ўтказишига хизмат қилиши билан бир қаторда Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

2.2. Туризм соҳасининг 2000-2015 йилларги ривожланиши ва Ўзбекистон иқтисодида тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Шаропов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар мамлакатимизда туризм соҳасини янада тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг самаралари, сайёҳлик оқимини оширишда меҳмонхоналарнинг ўрнини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони моҳияти, ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган долзарб масалалар ҳақида сўз борди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналар вакиллари иштирок этган тадбирда туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш, соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, ҳудудларда янги туризм маҳсулотлари яратиш ва уларни жаҳон бозорида тарғиб қилишга оид масалалар муҳокама қилинди. Бунда халқаро тажрибадан кенг фойдаланиш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш ва уларни паспортлаштириш, ички ва ташқи туризм бўйича миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

– Туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришда меҳмонхона бизнеси муҳим ўрин тутди, – дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот котиби Темур Мирзаев. – Бугун мамлакатимизда қарийб олти юзта меҳмонхона бор. Пойтахтимиз ва вилоятларда “Radisson”, “Lotte”, “Wyndham”, “Ramada” каби дунёга машҳур отеллар билан бирга, кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун кўплаб хусусий меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда. Кейинги пайтларда мамлакатимизда тадбиркорликни, жумладан, туризм соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳужжатларнинг қабул қилинаётгани соҳамиз вакилларининг самарали фаолият юритиши учун янги имкониятлар яратмоқда.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси вакиллари мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти тақдимотини ўтказди. Тақдимот иштирокчиларига Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа ҳудудларидаги диққатга сазовор жойлар ҳақидаги бой маълумотлар тақдим

этилди. Мамлакатимизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва сайёҳлик хизматлари экспортини янада ошириш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги томонидан "Жанубий Корея сайёҳлик тажрибасини ўрганиш" тренинги доирасида туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга бағишланган қатор тадбирлар ўтказилди. Жанубий корейлик экспертлар билан биргаликда туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилиб, Ўзбекистон ҳамда Жанубий Кореяда экотуризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масаласи бўйича тажриба ва фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилган ислоҳотлар самарасида замонавий туризм инфратузилмаси изчил ривожлантирилиб, сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун шароитлар яратилди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда янги сайёҳлик турлари, жумладан, экологик туризм йўналишлари жорий этилмоқда. Ўзбекистонда кўриқхоналар, миллий боғлар, кўриқланадиган табиий ҳудудлар, ёдгорликлар ва биосфера резерватининг мавжудлиги мамлакатимизда экотуризмни истиқболли йўналишга айлантириш имконини бермоқда. Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Шу боис Ўзбекистонда ҳам туризм саноатини модернизация қилиш, соҳани барқарор ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий база яратиш ва уни такомиллаштириш, чет эллик меҳмонларга халқаро стандартларга мувофиқ хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқимизнинг тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитиш, миллий анъана ва урф-одатларимизни қайта тиклаш, диққатга сазовор жойларни ободонлаштириш борасида жиддий ўзгаришлар

амалга оширилди. Бунинг самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, ҳар йили Ўзбекистонга дунёнинг турли минтақаларидан 2 миллиондан ортиқ сайёҳ келмоқда. Уларнинг аксарияти Германия, Франция, Италия, Корея Республикаси, Япония, Хитой, Малайзия, Россия, Ҳиндистон фуқароларидир.

– Ўзбекистон халқаро сайёҳлик бозорида катта нуфузга эга, – деди Кёнхи университети профессори Ким Чоль Вон. – Ўзбекистоннинг қадимги архитектура ёдгорликлари, халқингизнинг ўзига хос анъаналарини ўзида мужассам этган бой маданий мероси жаҳон ҳамжамияти ва сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Жанубий Кореяда юртингизни кўриш истагида бўлганлар кўп. Мамлакатингизда хорижий меҳмонлар учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистоннинг сайёҳлик компания ва фирмалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз.

Ўзбекистон туризм саноати вакилларининг сафари қизиқарли тақдирот маросимлари, ўзаро манфаатли музокараларга бой бўлди. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳа кадрларини тайёрлаш тизими, экотуризмни оммаллаштириш дастурлари ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш доимий эътиборда. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари парки ва аэропортлар модернизация қилинмоқда, парвозлар географияси кенгаяётир. Пойтахтимиздан Самарқанд, Бухоро ва Қаршига қатновчи юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” поезда сайёҳларга манзур бўлмоқда. Ангрэн – Поп электрлаштирилган темир йўли бунёд этилиши натижасида Тошкентдан Фарғона водийсига замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Йўл инфратузилмасини ривожлантириш баробарида хорижлик сайёҳлар ва халқимизга бу йўналишда хизмат кўрсатиш тизими ҳам йилдан-йилга ривожланаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда 1 минг 282 сайёҳлик

ташкilotи, жумладан, 661 меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг, 600 дан ортиқ сайёҳлик компанияси фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жаҳон сайёҳлик ташкilotи билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ушбу ташкilotга 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкilotининг Буюк ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар ташкilot этиб келинмоқда.

Сайёҳлик индустриясининг истиқболли йўналишларидан бири экологик туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Кўриқхоналар, табиат боғлари, экомарказлар, биосфера резерватларини ўз ичига олган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоғи кенгаймоқда. Ушбу экотуризм иншоотлари имкониятларини баҳолаш, уларнинг кадастр тизимини яратиш, соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш, мамлакатимизнинг экосайёҳлик салоҳиятини жаҳонга янада кенг намоиш этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

1995 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, жаҳон жамоатчилигини юртимизнинг сайёҳлик соҳасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан таништириш, хориждаги етакчи сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни мустақамлаш ва кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, замонавий иншоотлари, хушманзара табиати, бетакрор маданияти ва анъаналари жаҳон сайёҳларини ўзига ром этаётгани бежиз эмас. Президентимиз раҳнамолигида барча соҳа қатори туризмни ривожлантириш, юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилиб, дам олиш масканларида зарур шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, замонавий инфратузилма, меҳмонхона ва дам олиш масканларида йўлга

кўйилган юқори сифатли хизматлар сайёҳларнинг кўпайишида муҳим омил бўлмоқда.

Сайёҳлик азалдан дунё халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустақамлашга хизмат қилган. Одамлар дунёни кўриш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳат қилган. Мамлакатимизнинг барча шаҳарлари сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга. Хусусан, Тошкент қадимдан Европа ва Осиё мамлакатларини ўзаро боғлайдиган кўприк вазифасини ўтаган. Шу боис ҳудудда савдо-сотиқ, маданият ривожланган. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон замонавий сайёҳлик инфратузилмасига, ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Мамлакатимизда хорижий сайёҳлар, ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида нуфузли анжуманлар ўтказилмоқда. Тошкент олий даражадаги учрашувлар, тинчлик ва дўстлик келишувлари, халқаро саммитларга мезбонлик қилиш борасида дунёдаги энг машҳур шаҳарлар қаторидан жой олди. Бундан йигирма йил илгари юртимизда бармоқ билан санарли меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, бугун сайёҳларга хизмат кўрсатувчи компаниялар, туроператорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. “Ўзбектуризм” миллий компаниясидан маълум қилишларича, мамлакатимизда 750 туроператор ва 570 меҳмонхона фаолият юритмоқда. Пойтахтимиз ва вилоятларда “Radisson”, “Lotte”, “Wyndham”, “Ramada” каби дунёга машҳур отеллар билан бирга, кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун кўплаб хусусий меҳмонхоналар хизмат кўрсатмоқда. Улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати йил сайин ошиб бормоқда.

Ўтган йили сайёҳлик хизматлари ҳажми 2014 йилга нисбатан 15,9 фоиз, шундай хизматлар экспорти 12,9 фоиз ўсган²³.

Туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришда меҳмонхона бизнеси муҳим ўрин тутди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида хорижий меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш ҳамда уларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга юзлаб меҳмонхоналар қад ростлади. Мавжуд меҳмонхоналар замонавий ва миллий меъморлик анъаналари асосида реконструкция қилинди.

Истиклолгача юртимизда бирорта ҳам беш юлдузли меҳмонхона бўлмаган. Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрида халқаро стандартлар асосидаги мувофиқлик сертификатига эга қирқдан зиёд меҳмонхона мавжуд. Уларнинг кўпчилиги тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналардир.

Меҳмонхоналарнинг дунё миқёсида тан олинган халқаро тармоғи мавжуд. Дунёдаги машҳур меҳмонхона тармоқлари – “Wyndham”, “Lotte”, “Radisson” каби брендлар остида хизмат кўрсатувчи отеллар энг ривожланган шаҳарларда фаолият кўрсатади. Пойтахтимиздаги “Wyndham Tashkent”, “Lotte City Hotel Tashkent Palace”, “Radisson BLU Tashkent” отеллари ана шулар жумласидан.

Пойтахтимиз марказида жойлашган, Шарқ ва Ғарб меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган “Lotte City Hotel Tashkent Palace” меҳмонхонаси сайёҳларга яхши таниш. Бу меҳмонхона Жанубий Кореянинг “Lotte” компанияси ҳамкорлигида халқаро талабларга мувофиқ модернизация қилинди.

– Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилган, – дейди “Lotte City Hotel Tashkent Palace” меҳмонхонаси бош менежери Ли Жонг Рак. – Бу Ўзбекистонга бўлган қизиқишимизнинг ортишига, йирик

²³ “Uzbektourism.uz” сайти маълумотлари

лойихаларни амалга оширишимизга кенг йўл очмоқда. Тўрт юлдузли меҳмонхонамизда мижозларга юқори сифатли сервис хизмати кўрсатилади. Бу ерда ишни ташкил қилиш, мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича дунё тажрибасидаги самарали тизим, соҳадаги энг сўнгги янгиликлар жорий этилган.

– Ўзбекистоннинг бетакрор маданияти ва ноёб табиати ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларингизни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўришни орзу қилади, – дейди “Bohemia Lazne” компанияси директори Йижи Шлука (Чехия). – Чехияда ҳам ўзбек халқининг бой маданияти, қадимий тарихи ва бугунги куни билан танишишга қизиқиш жуда катта. Мамлакатингизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, пойтахтингиз тобора кўркамлашиб бормоқда. Меҳмонхоналар кўпайиб, туризм инфратузилмаси ва сервис жадал такомиллашмоқда. Бунёдкор халқингиз амалга ошираётган бундай хайрли ишлар таҳсинга лойиқ.

– Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш борасидаги ислоҳотларнинг қамрови тобора кенгайиб бораётир, – дейди япониялик ишбилармон Нобуе Шиндо. – Сайёҳларни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, саёҳатлар ташкил этиш юксак даражада. Японияликлар орасида Ўзбекистонни лоақал бир бор кўриш истагида бўлганлар кўп. Боиси юртингиз кишини ҳайратга соладиган мўъжизаларга ниҳоятда бой. Бу гал “Wyndham Tashkent” меҳмонхонасига жойлашдим. Ушбу отелда яратилган қулай шароит, юксак дид билан безатилган шинам хоналар, доимий мўътадил ҳаво ҳар қандай кишига манзур бўлади.

Дунё миқёсида якка тартибда саёҳат қилишга қизиқиш ортиши ихчам хусусий меҳмонхоналар тармоғини ривожлантиришни тақозо этаётир. Мамлакатимизда хусусий меҳмонхоналар ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳозир юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, кўркам ва шинам, хизмат кўрсатиш

борасида бир-бирдан қолишмайдиган ана шундай меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўйга толасан киши: мустақилликдан илгари биров хусусий меҳмонхона ёки ресторан қурибди деса, ишонармидик?! Сабаби бунинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ, бундай ишни қилишни тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Шукрки, истиқлол туфайли бугун тадбиркор юртдошларимиз мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, меҳмонхона ҳам, ресторан ҳам – истаганини очмоқда, ҳам ўзига, ҳам элу юртига наф келтирмоқда.

Мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш жараёнида кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги коллежлар, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг сайёҳлик факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур таълим даргоҳларида ташкил этилган махсус меҳмонхона марказлари талабаларнинг назарий билимини амалда мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Соҳада чет эллик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитлар яратилган. Бу борада “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан ташкил этилаётган маркетинг лойиҳалари – мега-инфо-турлар яхши самара бермоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой, Буюк Британия, Россия, Нидерландия, Венгрия, Сингапур каби кўплаб мамлакатларнинг икки юздан зиёд сайёҳлик компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Меҳмонхона ва ресторан бизнеси сайёҳликнинг энг кўп даромад келтирадиган тармоқларидандир. Соҳа вакиллари ўртасида миллий ва хорижий тажрибани оммалаштириш, уни янада ривожлантириш истиқболларини очиш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Савдо-саноат

палатаси ҳузурида Ресторан ва меҳмонхона бизнесини ривожлантириш кўмитаси ташкил этилди. Айни пайтда етакчи ресторатор ва отелъерлар билан муаллифлик учрашувлари ўтказилмоқда. Бу меҳмонхона ва ресторан бизнесига қадам кўяётган ёшларимизнинг соҳага оид амалий билим ва кўникмасини оширишга, иш юритиш қоидалари билан бевосита таништиришга хизмат қилаётир.

Меҳмонхона ва ресторан бизнеси ривожда хизмат кўрсатувчи касб эгалари, хусусан, официантларнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, официантлар ҳар қандай дам олиш ва овқатланиш муассасасининг юзи ҳисобланади. Уларнинг сифатли хизмати, самимий муносабати мижозларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, муайян муассаса, қолаверса, мамлакат обрўси юксалишига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон республикасининг бой тарихга, маданиятга эга эканлиги, Буюк ипак йўлида жойлашганлиги жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовордир. Ушбу воҳани туристик соҳасини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- барча тарихий меъморий объектларни тўлиқ паспортизациядан ўтказиш, уларни тамирлаш ва улардан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида дастурлар яратиш лозим.
- Қишлоқ жойларида мавжуд тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва туризм инфратузилмасини барпо этиб янги туристик маршрутларни ташкил этиш;
- Транспорт инфратузилмасини; авиарейсларни туристик мавсумларда кўпайтириш ва чартер рейсларни ташкил этиш, мамлакатимиз туристик шаҳарлари Бухоро, Самарқанд йўналишларида тезюрар поездларни ташкил қилиш, Бухоро вилоятини боғловчи автомагистраль йўлини таъмирлаш ва йўл бўйида жаҳон андозаларига жавоб берадиган кемпинглар, дам олиш масканлари, медицина хизматлари кўрсатиш, автомобилларга ёқилғи қўйиш шаҳобчаларини ташкил этиш;
- Туризм соҳасида малакали кадрларни жумладан: туризм ва меҳмонхона хўжалиги, ресторан менежерлари, туроператорлар, гид экскурсоводларни фақатгина олий ўқув юртлари базасида олиб бориш мақсадга мувофиқдир;
- Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги элчихоналар ва Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг элчихоналари ёрдами билан телевидение, радио ҳамда интернет тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг салоҳияти ва аҳамиятини кўтарадиган реклама роликларни ва презентацияларни намойиш қилиш;

- Чартер рейслари билан тўғридан тўғри Франция, Германия, Австрия, Италия, Буюк Британия, Бенилюкс мамлакатлари, Япония, Корея каби мамлакатлардан ташриф буюрадиган хорижлик туристларга аэропортнинг ўзида виза масалаларини ҳал этишни йўлга қўйиш;

Мамлакатимизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, қадимий обидалари, хушманзара табиати, бетакрор маданияти ва анъаналари жаҳон сайёҳларини ўзига тобора кенгроқ ром этмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини жадал ривожлантириш, юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқимини янада кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилиб, дам олиш масканларида замонавий шарт-шароит яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон замонавий сайёҳлик инфратузилмасига, ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Мамлакатимизга хорижий сайёҳлар, ишбилармон доиралар вакиллари ташриф буюриб, нуфузли халқаро анжуманлар ўтказилмоқда. Хусусан, Тошкент олий даражадаги учрашувлар, тинчлик ва дўстлик келишувлари, халқаро саммитларга мезбонлик қилиш борасида дунёдаги энг машҳур шаҳарлар қаторидан жой олди.

“Ўзбектуризм” миллий компаниясидан маълум қилишларича, мамлакатимизда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи компаниялар, операторлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда 865 сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 374 меҳмонхона фаолият юритмоқда. 2012 йилда сайёҳлар ташрифи 2011 йилга нисбатан 17,5 фоиз, уларга хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар 15 фоиз ўсган.

Туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришда меҳмонхона бизнеси муҳим ўрин тутди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида хорижий меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш ҳамда уларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга ўнлаб

меҳмонхоналар қад ростлади. Мавжуд меҳмонхоналар замонавий ва миллий меъморлик анъаналари асосида реконструкция қилинди.

Истиқлолгача юртимизда бирорта ҳам беш юлдузли меҳмонхона бўлмаган. Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрида халқаро стандартлар асосидаги мувофиқлик сертификатига эга қирқдан зиёд меҳмонхона мавжуд. Уларнинг кўпчилиги тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналардир.

Дунё миқёсида якка тартибда саёҳат қилишнинг кўпайиши шинам ва ихчам хусусий меҳмонхоналар тармоғини ривожлантиришни тақозо этаётир. Мамлакатимизда хусусий меҳмонхоналар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда.

Юртимизга келаётган сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Бу мамлакатимизда тинчлик-осойишталик барқарорлиги, юртимизнинг замон билан ҳамқадам ривожланаётгани самарасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2003.
2. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: Адолат, 2000, 131-140 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

3. "Ўзбектуризм" МҚсининг ташкил топиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // "Халқ сўзи", 1992 йил 27 июль.
4. "Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора –тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги 1162 рақамли Фармони. // "Халқ сўзи", 1995 йил 3 июнь.
5. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 фармони. //Халқ сўзи, №74. 1999. 16 апрель

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

6. "Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 346 сонли 8 августда қабул қилинган Фармойиши. // "Халқ сўзи" газетаси, 1998 йил 9 август.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов маърузалари ва асарлари

7. Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: "Ўзбекистон", 2012. – 36 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.
9. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
10. И.Каримов. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». -Т.: Ўзбекистон, 2005 й. - 92 б.
11. И. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. “Халқ сўзи”, 2010 йил 28 январь
12. И. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. ”Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январь.
13. И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. .”Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь.
14. И.Каримов. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. //Халқ сўзи, 2006, 25-февраль.
15. И.Каримов. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. //Халқ сўзи, 2006. 11-февраль

16. И.Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. //Халқ сўзи, 2005. 8 декабр

17. И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлактни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон. 2005 й. -92 б.

V. Махсус адабиётлар, рўзномалар ва журналлардаги мақолалар

18. Тухлиев Н. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития.-Т.: Гос. Науч. Изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006.- 416 с.

19.География туризма: учебник / кол. авторов; под ред. А. Ю. Александровой.- М.: КНОРУС, 2008.-592 с.

20.Жулидов С.Б. The Travel and Tourism Industry: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -207 с.

21. Квартальнов В.А. Туризм: учебник.-2-е изд., перераб.- М.: финансы и статистика, 2007.-336 с.

22. Косолапов А.Б. Туристское страноведение. Европа и Азия: учебно – практическое пособие. – 2-е изд., стер. / А.Б. Косолапов. – М.: КНОРУС, 2006. – 400 с

23. Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010, - 320 б.

24. География туризма: учеб. /кол. Авторы; под ред. А.Ю. Александровой. 2-е изд., испр. и доп. - М.: КНОРУС, 2009. – 592 с.

25 Косолапов А.Б. Технология и организация туроператорской и турагентской деятельности: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2008. – 288 с.

- 26.Леннон Дж. Д., Смит Х., Кокерелл Н., Трю Д. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных организаций и агентство по туризму. – М.: «Группа ИДТ», 2008. – 272 с.
- 27.Тимохина Т.Л. Организация приема и обслуживания туристов: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 352 с.
- 28.Скобкин С.С. Менеджмент в туризме: учеб. пособ. – М.: Магистр, 2007. – 447 с. 27.
- Каримов И., Ахмадхўжаев Р. Туризмда коммуникация. - Т.: ТДИУ, 2007, - 180 б.
29. Дурович А. П. Маркетинговые исследования в туризме: Учеб. пособ. — СПб.: Питер, 2008. — 384 с
30. Адылова З., Норчаев А., Алиева М. Туризм менежменти. Ўқув қўлланма - Т.: ТДИУ, 2009, - 180 б.
- 31.Кутлимуротов Ф. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2009,- 220 б.
1. Хусанбаев Б. И др. “Дорогами Великого Шелкового Пути”, Ташкент.1991 том 1,2.
2. Кабушкин Н.И. “Менеджмент туризма”, Минск, БГЭУ, 2000,644 стр.
3. Морозов М.А. “Экономика туризма”, Москва, Институт туризма и гостеприимства,1999 г., 234 стр.
4. БалабановИ.Т.,Балабанов А.И. “Экономика туризма”, Учебное пособие, Москва,2000 г.
5. Сенин В.С. “Организация международного туризма”, Москва, 1999 г.
6. Папирян Г.А. “Международные экономические отношения. Экономика туризма” Москва, 1998 г.
- 7.Александров А.Ю. Международный туризм. М.: 2002 г.
8. М.В. Ефремова "Основы технологии туристического бизнеса". 1999г.
9. Менеджмент туризма Учебник 3-е изд., (ГРИФ) /Кабушкин Н.И./ 409 стр. 2002г.

10. Менеджмент туризма Учебник 2-е изд., (ГРИФ) /Кабушкин Н.И./ 409 стр. 2000г.
11. Менеджмент туризма Экономика туризма Учебник (Серия Менеджмент туризма), (ГРИФ) Козырев В.М. Зорин И.В., Сурин А.И. 320стр. 2002г.
12. Менеджмент туризма: Основы менеджмента: Учебник /Квартальнов В.А. – М.: / Финансы и статистика, 2000- 352 с. (в обл.)
13. Менеджмент туризма: Туризм как объект управления. Учебник Волошин Н.И., Исаева Н.В., Ильина Е.Н. 302с. 2001г.
14. Организация международного туризма Учебник 2-е изд перераб и доп, (ГРИФ) Сенин В.С. 400с 2001г.
15. Индустрия туризма: Перевозки 2-е изд., перераб. И доп. // Биржаков .Б. Никифроф В.И. 400 стр 2000г
16. Индустрия туризма: менежмент организации / Жукова М.А. М; Финансы и статистика 2003- 200 с ил (в обл)
17. «Туризм как экономический приоритет (Серия «экономика современной России») /Проурзин Л.Ю/
18. История туризма. Ученое пособие Соколова М.В. 352 стр. 2002г.
19. Маркетинг в туризме Учебное пособие 2-е изд., стереотип., (ГРИФ) Дурович А.П. 496стр. 2001г.
20. Международный туризм Учебник, (ГРИФ) Александрова А.Ю. 470 стр. 2002г.
21. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме. Учебник Зайцева Н.А. 224 стр. 2003г.

VI. Статистик тўпламлари

32. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.
33. Экономический вестник.
34. Основные показатели развития туризма в 2009 г. ЮНВТО. –Мадрид, 2010, -30с.

35. Tourism: 2020 vision. -Madrid, 2010, - 21 p.

36. “Ўзбектуризм” МК йиллик ҳисоботлари

VII. Интернет сайтлари

37. www.peugeotufa.ru

38. www.bashepo.ru

39. www.interunion.ru

40. www.world-tourism.org

41. www.wttc.org

42. www.tag-group.com

43. www.e-tours.ru

44. www.travel-library.com